

Р.Н.Носиров, Ш.С. Сирожиддинов,
Х.А. Зияутдина

ЎРТА ОСИЁЛИК АЛЛОМАЛАРНИНГ
ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ



ТОШКЕНТ-2007

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
И.М.МўМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ**

**Р.Н.Носиров, Ш.С.Сирожиддинов,
Х.А.Зияутдинова**

ЎРТА ОСИЁЛИК АЛЛОМАЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАРИ

(Илк ўрта асрлар даври. Ўқув қўлланма)

ТОШКЕНТ – 2007

Р.Н.Носиров, Ш.С.Сирожиддинов, Х.А.Зияутдинова.

Ўрта осиёлик алломаларнинг фалсафий қарашлари. Ўкув кўлланма. Т.: ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хукуқ институти, 2007, 60 б.

Ушбу ўкув кўлланма мамлакатимиз сарҳадида илк ўрта асрлар Уйғониш даврида исломий қадриятлар, табиий-илмий гоялар ва ижтимоий-фалсафий тафаккур ҳазинасига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшган ҳамда жаҳон ҳалклари илм аҳли назарида шон-шуҳрат қозонгандан машхур уламою фузалолар, алломаю мутафаккирлар ҳаёти, илмий фаолияти, табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий идеалига бағишиланган. Ундан олий ўкув юргулари талабалари фалсафа, диншунослик, маънавият асослари курсларида фойдаланишлари мумкин. Бунда қайд этилган диний-ирфоний, табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий муаммолар, уларнинг ечими ва тавсия этилган адабиётлар рўйхати талабалар томонидан беҳад мураккаб бўлган мавзуни ижодий тарзда ўзлаштириб олишга хизмат қиласди, деган умиддамиз.

Масъул мұхаррир: А.Ж. ШАРИПОВ

Тақризчилар: ЎзР ФА академиги С.П.ТУРСУНМУҲАМЕДОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор М.Н.АБДУЛЛАЕВА

*Ўкув қўлланма Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети
ўкув-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.*

СҮЗБОШИ

Букетынан сабактардан тараби

Юзаки қараганды, жамият аязоларининг моддий ва маънавий ҳәтиёжлари бир-бираидан моҳият нүктаси назаридан фарқ қиласигандек туюлади, бир-бiriни рад этадигандек бўлиб кўринади. Лекин шунга қарамасдан, диалектиканинг бошқа жиҳатини ҳам унутмаслик керак. Жамиятда кишиларни ягона мақсад-мудда атрофида бирлаштирадиган, келажакка чорлайдиган, ҳақиқий истикололга давлат этадиган ҳаётбахш ғоялар, қарашлар, назарий тамойиллар муштараклиги мавжуд эканлигини ҳам эътироф этиш шартдир. Буни теран англамай туриб, асл мақсадни белгилаб олиш, аниқ йўл-йўрікларни изчилик билан амалаштирадиган.

VII асрда Араб ярим оролида турли-туман қабилалар ижтимоий ҳаётида содир бўлган тарихий жараёнлар, айниқса, якка худоликка бўлган имон-эътиқоднинг кенг ёйилиши, араб тили мақомининг кучайиши, барчанинг Аллоҳ олдида тенг эканлигининг эътироф этилиши, бошқа ҳалкларнинг маънавий-интеллектуал мулкига, илм-маърифатга янгича ёндошишининг шаклланиши натижасида узок давр мобайнида яшаб келаётган жоҳилия анъаналарига чек қўйди. Фиқҳ, қалом аҳкомларининг ишлаб чиқилиши, тасаввуф таълимотининг вужудга келиши, илмга бўлган ташналик янги ижтимоий-маънавий қадриятларнинг шаклланиши ва камол топишига туртки бўлди, десак хато қилмаган бўламиз.

Исломий маънавий қадриятларнинг камол топишида яратган (Аллоҳ) ва яратилган (халқ), инсон ва Аллоҳ, тақдир, имон-эътиқод, комил инсон, гуноҳ ва савоб, охират ахримлари, мукофот ва жазо, тақдир ва ирода эркинлиги, моддий эҳтиёж ва нафс муаммолари етакчи мавзуга айланди. Уларнинг талқини турли-туман мазҳаблар, йўналишлар ва оқимларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бунинг натижасида қалом ва фиқҳ соҳалари ҳам илдам қадам қўйди ва юзага келган хилма-хил муаммоларни ақл нүктаси назаридан туриб ҳал этишга ўзининг ҳиссасини қўшди.

Куръони карим ва ҳадиси шарифда илмнинг ибодатдан юқори қўйилиши дунёвий илмларнинг шаклланиши ва камол топишига туртки бўлди. Натижада норасмий манбаларга, яъни қадимги юнон, ҳинд ва маҳаллий ижтимоий-фалсафий ва табиий-илмий анъаналарга кизиқиши жонланди. Ижтимоий эҳтиёжлар, маънавий-интеллектуал юксалиш талаблари тақозоси билан Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Улубек каби аллома ва мутафаккирлар илм-фан даргоҳига кириб келдилар ва Ватанимизни бутун жаҳонга танидилар.

Президентимиз И.А.Каримовнинг таъкидлашича, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат еrostи табиий бойликлари билан, ҳарбий кудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Ҳақиқатан ҳам ҳалқимиз таянчлари бўлмиши аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи дуру жавоҳирларга қиёслаб бўлмайдиган бир хазинадир. Бутун жаҳонга илм-

фанинг ривожланишига ўзларининг ўчмас муҳрини босган буюк аллома-ю мутафаккирларнинг шон-шуҳратига меросхўр эканлигимиздан фаҳранамиз, чунки тарихий хотирасиз келажак ҳам йўқ эканлиги асло сир эмас.

Аммо биз маънавий меросимизни ҳар томонлама ўрганиш ва унӣ халқимиз онг-шуурига етказиш нақадар муҳим эканлиги ҳақида фикр юритар эканмиз, бундан эл-юртимиз истиқболи ўтмишда бўлган, деган хulosадан йироқмиз. Ўзбекистоннинг тараққиёт кафолатлари борасида фикр юритганда ўтмиш интеллектуал бойлигидан мадад олиб ривож топаётган ҳозирги илм-фани ва маданиятининг юксалишини назарда тутмоқ лозим.

I. ҚИСМ. ИСЛОМ ВА ИЛОХИЁТ

1.1. Ислом фалсафасига кириш

Ислом динининг илк шаклланиш даврида ақида, ибодат, дин ва ҳукуқ, диний жамоа ва давлат, руҳоний ва дунёвий ҳокимият масалаларида баҳслар кўтарилимаган. Мұхаммад (с.а.в.) барча ҳукмларни ваҳий орқали олар ва уларни сўзсиз бажариш барча мусулмонлар учун вожиб саналар эди. Айтиш мумкинки, Пайғамбар ҳаётлигига ислом жамияти мустаҳкам ва ишончли таянчга эга эди. Мусулмонлар Пайғамбарнинг шахсияти, жозибали нутқи, ҳаёт тарзи, ахлоқ-одобига фидойиларча тақлид қилишар, айниқса, қалб осудалиги ва хотиржамлигига, руҳий таскин топишга интилган одамлар учун у ибрат намунаси эди. Унинг ўйтлари мантиқий — ақлий мұхқомама ва фалсафий мушоҳадаларга ўрин қолдирмас, ундан тараалаётган иймон нури ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлар эди. Турган гапки, ваҳий бор экан, ҳақиқатнинг бошқа манбаси ҳақида ўйлашнинг зарурати йўқ эди. Мұхими ваҳий орқали нозил бўлган сўзларни ёдда саклаш, тушуниш ва уларни ҳаётга татбик этиш эди. Бу эса Куръонни ёд билиш ва унинг ҳукмларини бажариш, Пайғамбар суннати ва у белгилаб берган тафаккур тарзидан оғишимасликни тақозо этарди.

Пайғамбарнинг ўлими мусулмонлар жамияти олдига икки мұхим муаммони кўйди. Бири, илохий ваҳийнинг тўқташи бундан сўнг ислом қоидаларини идрок этиш ва эътиқод билан бөғлиқ масалаларни ечишда мантиққа суюнишни талаб қилиши билан бөғлиқ ҳолда намоён бўла бошлаган бўлса, иккинчиси, пайғамбар ишини давом эттирувчи арбобларнинг дин ривожини таъминлашдаги маҳорат ва кобилияти, ҳалифаларнинг пайғамбар фазилатлари ва хислатларини, унинг умматни бошқаришдаги адолатини қай даражада ўзлаштирганликлари шубҳа остига олишдан бошланди. Мусулмонлар ўртасида дастлабки келишмовчиликларга, аслида ана шу кейинги мұммо сабаб бўлди. Ҳалифалик давом этган 30 йил давомида ихтилофлар аста-секин кескинлаша борди.

Ислом жамиятида биринчи фуқаролик уруши тўртинчи ҳалифа сайланиши арафасида юз берди. 656 йилда ҳалифа Усмон ўлдирилгач, можаролар янада кескинлашди. Мусулмонлар орасидаги бўлиниш суннийлар, шиалар, хорижийлар каби оқимларни тарих саҳнасига чиқарди.

Кўриниб турганидек, оқимлар ўртасидаги ихтилофлар, турли сиёсий ва ижтимоий кўтарилишлар негизини, аслида, ҳокимият учун кураш ташкил этган. Можаро ва баҳслар, ассан, сайланадиган ҳалифаларнинг ушбу вазифага муносиблиги, уларнинг олдинга сураётган сиёсатлари атрофида кўтарилди. Ҳар учала оқим ўз иддаоларида Куръони карим ва Пайғамбар ҳадисларидан келиб

чиқиб фикр юритар эдилар. Баҳслар, дастлаб, фақат ҳарбийлар орасида чиқкан бўлса, энди уламолар орасида ҳам авж олди. Ихтилофлар сиёсий масалалардан диний масалаларга ҳам ўтди. Натижада мусулмон уммати орасидаги бўлиниш бир диний масалага турлича ёндошиш ҳолатларининг конунлашувига олиб келди. Бу эса, ўз навбатида, ислом асосларининг, эътиқод масалаларининг ҳам турлича талқин қилишга бўлган уринишларга йўл очиб берди. Турли гурухларга бириккан уламолар ва уларнинг тарафдорлари орасида муросасиз баҳслар кучайди.

Шу ўринда ўзаро келишмовчиликлар у ёки бу даражада сиёсий тизимдаги қонунчилик танглигини чукурлаштирганини айтиб ўтиш керак. Ҳукумат ва халқ орасидаги зиддиятни назарий жиҳатдан ажрим қилиш зарурати пайдо бўлди. Бу эса фиқҳни ишлаб чиқишга шароит яратди. Уламолар жамоа орасида катта таъсир кучига эга эдилар. Ислом VII асрда қарор топган даврда фикхий-ҳукукий нормалар ибтидоий қўринишида бўлган бўлса, кейинги асрда Куръони карим ва ҳадисларга асосланиб, бир мунча мураккаб қонунлар ишлаб чиқила бошланди. Уламоларнинг фатволари шариат қоидаларига айлануб, аҳолининг ҳаёт тарзини белгилай бошлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, замон ва давр ўтиб шароит ўзгарди. Ислом давлати йирик империяга айлангач, Мадинада асос солинган илк ислом давлатининг камбағал фукароларидан фарқли ўлароқ, дунёвий турмуш тарзи аҳолининг бойиган табақаси ҳаётига сингий бошлади. Куръон матнларини зоҳирий талқин қилиш кундалик турмуш тарзига тўғри келмай қолди. Масалан, Куръони каримнинг «Тавба» сураси, 34-оятида айтилган, ким олтин-кумушни тўпласа ва уни Худо йўлида сарф қилмаса, «аламли азоблар» олажаги ҳақидаги ҳукмни тўғридан-тўғри тушуниш IX аср ислом жамияти умумий тенденциясига тўғри келмас ва кўп мунозораларни келтириб чиқариши табиий эди. Олинган даромаднинг ўндан бирини тўлаш ҳақидаги диний ҳукмда тилла назарда тутилганми ёки кумуш? Ёки ҳар иккаласидан ҳам шунчадан тўлаш керакми? Бу ҳукм кимматбаҳо тошларга ҳам тегишлими ёки йўқми, деган саволлар пайдо бўлди. Шу ерда ҳукукий тизимда мантикий ечимларга эҳтиёж туғилди. Фикхшунослар ичидан халифа ва амирларнинг ҳомийлиги остида кун кечирадиган ва уларнинг манфаати йўлида хизмат қилишни ўз вазифаси деб билувчи гурӯҳ ажralиб чиқа бошлади. Куръон оятларини таъвил қилиш ишлари, дастлаб, шу сабабларга кўра бошланган қўринади. Аммо бундай уринишлар анъанавий уламоларнинг қаршилигига учради. Улар ўртасида баҳс-тортишувлар авж олди. Баҳслар доираси борган сайин кенгайиб, ижтимоий соҳаларни ҳам қамраб олди. Бироқ, бу муаммолар фалсафий масалалар эмас эди. Улар кейинроқ пайдо бўлди.

Пайғамбар ва унинг саҳобалари даврида бўлмаган янги эҳтиёжлар—талабларнинг келиб чиқиши, одамлар ҳаётининг мазмуни ва шаклида юз берган замонавий ўзгаришлар, айниқса, ислом худудларининг кенгайиши натижасида бошқа динга мансуб ҳалқларнинг исломга киритилиши турли фикҳий—мазҳабий қарашларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Шу жумладан ўзга маданият ва эътиқоддарнинг яшовчанлик кучи, ёт мафкураларнинг ислом асосларига зарба бериши хавфини бартараф этиш мусулмон мутафаккирларини янги билимлар манбанини кидиришга мажбур қилди. Иш шу даражага етдики, фикҳ доираларида баъзи мутафаккирлар (масалан, Абу Ҳанифа) Қуръони карим ва ҳадисларга қўшимча равишда қиёс ва ижмоъ, ҳаётий тажрибага суюнишни тавсия қилдилар.

Шариат илмларининг ривожи, айниқса, ижмо, қиёс усуллари мусулмонларнинг олдица кўндаланг бўлган диний ибодатлар билан боғлиқ кўплаб ҳаётий муаммоларни бартараф этди. Шу билан бирга, мазкур усуллар дин асосларини фалсафий мушоҳада қилишга ҳам йўл очиб берди. Бунга христиан таълимотининг фалсафийлашган кўринишлари, юонон фалсафий ғоялари, шунингдек, сиёсий омиллар ҳам таъсир қилди.

Мусулмонлар христианларнинг таълимотидан яхши хабардор бўлганлар ва улар билан муайян алоқада бўлганлар. Матъумки, христианлар ўз динларини шарқий ва гарбий Византия ерларидан яшовчи туб юонон аҳолиси орасида ёйиш учун уларнинг қадимдан мустаҳкам асосга қўйилган фалсафий қарашларидан ижобий фойдаланганлар. Юонон ғояларини таҳлил қилиб, уларнинг Инжил ҳақиқатига мос тушадиган ўринларини ижодий ўзлаштирганлар. Чунки улар учун христиан ва юонон ҳаёт тарзини уйгунилаштириш муҳим ҳаётий масала эди. Бу христиан динини мустаҳкамлаш учун керак эди. Албатта, христианлик ва юонон фалсафаси ўртасида кескин зиддиятлар бўлган бўлса-да, христиан мутафаккирлари ўз динларининг илоҳий моҳиятини мантиқий оқлаш учун юонларнинг техникаси, фалсафий ғояларидан фойдаландилар. Христиан теолог олимлари ўз қарашларини стоицизм ва платонизм асосида ривожлантирудилар. Афина, Константинополь, Антиоҳ каби қадим фалсафа мактаблари анъаналарининг христиан дини доирасида сакланиб қолганларни мусулмонларга уларни ўрганишга имконият яратди. Оламнинг тузилиши, Аллоҳ зоти ҳақидаги тасаввурларни бир тизимга келтириш соҳасида христианларнинг юононча тафаккури мусулмонларга ҳам қўл келиши мумкин эди. Бу масалаларни юонларнинг мантиқ илми, фалсафий мулоҳаза юритиш усули мусулмонларга айни зарурат эди. Айниқса, сурённий черковлар, насронийларларнинг юонон фалсафасидан озиқланган мафкуралари мусулмонларнинг юонон фалсафаси билан бавосита танишишларига кулай замин туғдирди.

Шу тариқа аста-секин юон фалсафаси мөдиятини ўрганишга талаб кучайди. VIII-IX асрларга келиб илмий доираларда фалсафий мушоҳада қилишга интилишнинг пайдо бўлиши фақиҳлар ва муҳаддисларнинг диний ҳужжатларга асосланиб юритган ҳукмларига ишончсизликнинг орта боришига олиб келди. Ўртада баҳслар кескинлашди.

Уммавийларнинг ҳар қандай муҳолиф ҳаракатларни шафқатсизларча бостиришлари норози кучларнинг халифалик марказидан узокроқ ўлкаларда паноҳ топишига олиб келди. Шунинг учун Эрон (Хурросон, Табаристон) уммавийларга (кейин эса худди шундан аббосийларга ҳам) қарши курашнинг мухим ўчокларига айланди. Худди шундай вазиятда аббосийлар тарих саҳнасига чиқа бошладилар. Уларнинг асосий ғояларидан бири дунёвийлашиб бораётган уммавийлар салтанатини парчалаб, диний анъаналарни тиклаш эди. Аббосийлар ташкил қиласан Абу Муслим ҳаракати ҳақиқий оммавий кўзголонга айланниб кетди. Қора рангли кийим ва байроқ янги ҳаракатнинг рамзига айланди.

Аббосийларнинг ҳукумат тепасига келиши уммавийлар бошлаб берган дунёвий ҳаёт тарзига чек қўймади. Бунинг иложи ҳам йўқ эди. Чунки кенг ҳудудларга тарқалган улкан империяни бошқариш тизими давлатнинг дунёвий бўлишини объектив суръатда тақоза этарди. Пайғамбар даврида жорий этилган кичик давлатни идора этишда ўзини оқлаган усуулларга қайтиш ислом империясининг маънавий ва моддий тараққиётига ғов бўлиши, ўзга ҳалқларни исломга киргизиша муайян қийинчиликлар тугдиарди.

Аббосийлар пойтахтни Дамашқдан Бағдодга кўчиргач, халифаликда ажамликларнинг таъсири ортди. Хорун ар-Рашид даврида аббосийлар давлати қурдатли салтанатга айланди. Уммавийлар Византия ҳукми остида бўлган Европадан бўлак юон тафаккури таъсирида бўлган катта ҳудудда ҳукмрон эдилар. Энди аббосийлар ҳукми остига нафакат Сурия ва Миср, балки бутун Эрон ва Марказий Осиё ўтди.

Аббосий халифалар диний билимларни шарҳлаш ва чукурлаштириш ишларига жиддий эътибор қаратиб, уни юон ва ҳинд фалсафаси ҳисобидан бойитиш ўйуни танладилар. Чунки аббосийлар исломни фалсафий тушуниши рағбатлантириш давлат сиёсий-ҳукуқий тизимини мустаҳкамлашга хизмат қилишини аниқ тушуниб етган эдилар. Юон, ҳинд, паҳлавий тилларидан турли фанларга оид асарлар араб тилига таржима қилинди. Натижада таржимачилик ҳаракати ташкил топди. Халифалик ҳудудида истиқомат қилувчи християнлар юонларнинг кўп китобларини араб тилига таржима қилдилар. Маъмун томонидан «Байт ул-Ҳикма» — фанлар академиясининг ташкил қилиниши (832 й.) юон тафаккури таъсир доирасининг янада кенгайишига, ислом фалсафаси, тиббиёт ва

астрономия фанларининг ривожига сабаб бўлди. Бундан ташқари, бу ерда ташкил этилган кутубхонада муҳим тадқиқотлар олиб борилди. Ислом тарихида «илми аввал» деб номланган илмларнинг пайдо бўлиши ва таржималар воситасида кириб келаётган юонон ва ҳиндларнинг илмий ғоялари билан танишиш мусулмонлар тафаккурини тубдан ўзгартириб юборди.

Энди сиёсий ва мазҳабий олишувлардаги масала ва шубҳалар анча жиддий тус ола бошлади ва буни исломнинг илк давридаги юзаки ёндашувлар билан ҳал қилиб бўлмасди. Аллоҳнинг зоти ва сифатлари масаласи, инсоннинг ироди эркинлиги, эзгулик ва ёвузлик манбалари ҳақидаги турли фалсафий мулоҳаза ва талқинлар юонлардан кириб келган тасаввур ва тушунчалар таъсирида уламолар ўртасида турли гуруҳларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Гуруҳлар ўртасидаги баҳслар ошкоро зиддиятга айланиб кетди. Баҳслар «савол-жавоб» тарзида олиб борилиб, икки томоннинг бирбирига муросасиз даҳанаки ҳужумидан иборат бўлди. Бу тоифа «мутакаллимин», яъни «сўзлашувчилар» номини олди. Уларнинг услуби «калом» илмига асос солди. Бу йўналиш ўзининг илк кўриниш даврларида шариат томонидан бидъат йўналиш сифатида қоралангандан бўлса-да, муайян сабабларга кўра, ўз тараққиёти давомида шариат илмининг таркибий қисмига айланди. Бунда Ашъарийнинг хизмати алоҳида диққатга сазовордир. Шаръий асосдаги «калом» йўналиши тўлигича унинг ва Мотуридийнинг таълимотларидан бошланади. Исломда уларга қарши курашган барча теологик ва фалсафий-мантиқий йўналишдаги қарашлар бидъат деб эълон қилинган.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, исломнинг илмий ва маърифий доираларида шариат ҳақидаги илм дастлабки шаклланган шаҳобча бўлса, ҳадисшунослик, тарих, адабиёт, кўп ҳолларда, шариат ва фикрҳа илова эди. Уларнинг ҳаммаси Ашъарий ва Мотуридийдан сўнг «калом»да ўз ифодасини топди.

1.2. Калом фалсафаси

Исломнинг кенг тарқалиши катта ҳудудларда илгаридан мавжуд ҳукукий нормаларнинг исломлаштирилишини тақозо этди.

Исломнинг янги ҳудудларга ёйилиши билан у ёки бу тарзда янги диний эътиқодлар, янги маданиятлар, одатларга дуч келинди, Ислом динининг ёйилиши уни бошқа динлар билан тўқнашишига олиб келди. Бу ҳол ўзи билан бирга янги масалалар, талабларни юзага чиқарди. Мусулмонлар янги сиёсий тизимга асосланган ўз ҳокимиятларини ёяр эканлар, турли одатлар ва анъаналарга эга ҳалқлар билан мураккаб муносабатларга киришидилар. Улар қаршисида исломга янги ҳалқларнинг кириши орқали юзага келган муаммолар кўндаланг бўла бошлади. Улар нафақат ўз динларининг

бошқа динлардан афзалигини назарий жиҳатдан кўрсатибгина қолмай, шу билан бирга, ўзларининг энг яхши сифатларини намоён этишлари лозим эди. Улар маданияти улугрок бўлган ҳалқларнинг саволларига жавоб топишлари лозим эди.

Ислом дини бу муаммоларга қониқарли ечим таклиф этиши лозим бўлди. Бу, ўз навбатида, янги гоя ва йўлларнинг пайдо бўлишига олиб келиши равшан эди. Иккинчи томондан эса, халифалик ичидаги сиёсий бекарорликни бартараф этиш, мусулмонларнинг турли фирмаларга бўлинниб кетишига йўл қўймаслик зарурати уламоларни янги изланишларга мажбур қиласди. Ушбу омиллар исломнинг фирмловчи доираларида қалом баҳсларининг пайдо бўлишига замин тайёрлади. Қаломдаги савол-жавоб усули «хўжум-ҳимоя» кўринишига асосланган бўлиб, бу энг аввало, яхудийлар, христианлар ва монийлар ўртасида машхур бўлган диний тортишувларга нисбатан қўлланган. Шунинг учун Ибн Ҳадуннинг: «Калом бор-йўғи бидъатларга раддия сифатида пайдо бўлган. У шундай илмки, мантиқий далилларга асосланган баҳс юритиш орқали дин асосларини ҳимоя қиласди ва исломиятдан адашган бидъатчиларни коралайди», деб берган таърифи қаломнинг Ашъарий ва Мотуриййлардан бошланган янги босқичига тегишли эканлигини унутмаслик керак.

Калом фалсафадан факат предмети билан ажralиб туради. Файласуф фалсафий асосларга суюнса, мутакаллим диний ҳужжатларга асосланади. Калом ўз фаразини мантиқий мазмун ва ислом тамойилларига мувофиқ ҳужжатлар асосида ишлаб чиқади. Ўша пайтларда Ваҳий ва амал, құдратли Аллоҳ ва нотавон ожиз мавжудот ўртасидаги муносабатларга ойдинлик киритиш зарур эди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, илк теологик баҳслар ирода эркинлиги ва қадар масаласида кўтарилиган. Ушбу масала бўйича баҳс юритган илк илоҳиётчилар Матбад ал-Жуҳаний (в.699), Жайлон ал-Дамашкий (в.таҳм. 743), Восил ибн Ато (в.748), Юнус ал-Асворий ва Амр б. Убайд (в.762) бўлган. Бу масалаларнинг ечими кўпинча фалсафий эди, аммо шундай деб хисобланмас эди. Балки сабаби шундаки, кўплар гайридинларнинг теологик усуллари ислом таълимотидаги чалкаш муаммоларни ҳал қилишда тўғри келмайди, деб ўйлаганлар. Бу даврларда христианларнинг таъсири Дамашқда кучли эди. Бу ўша ерларда муслим ва христиан илоҳиётчиларининг ўзаро алоқада бўлганлигига шубҳа туғдирмайди. Мусулмонлар билан ирода эркинлиги бўйича олиб борилган шундай баҳсларда христиан олимлари Авлиё Жон Дамашкийнинг (в.таҳм.748) шогирди, Ҳаррон бош руҳонийиси ва Шаркий Черковнинг охирги буюк теологи Теодор Абу Курронинг (в.826) ҳам иштирок этгани маълум. Шунингдек, Маъбад ал-Жуҳаний ва Сусан исмли ироқлик христиан ўртасида ҳам ирода эркинлиги хусусида ўтган баҳс ҳақида манбаларда маълумот берилган.

Ирода эркинлиги тарафдорларининг илоҳиётчиликка доир қарашлари агар улар сиёсатга дахл қилмаганида шунчалик эътиборни жалб қилмаган бўлар эди. Ирода эркинлигига эътиқод шуни англатордик, халифанингadolatсизлиги гарчи у сиёсат учун қилинган бўлсада, жазодан озод этмайди. Адолат Аллоҳнинг қатъий талабидир. Шунинг учун Маъбад ва Жайлон уммавий халифа Абдулмалик (685-705) томонидан қатл этилди ва Ҳишом (724-743) ҳам ҳокимиятга таҳдид қилувчи кучлар сифатида уларнинг тарафдорларини таъқиб этди.

Шариат ахли эркин ирода тарафдорларини юон ёки христиан тафаккурига асосланишида айбладилар. Шаҳристонийнинг ёзишича, «усул» — эътиқод асослари борасида борган баҳслар VII асрнинг охирларида сезила бошлаган, юон файласуфлари таълимоти руҳидаги диалектик элементлар билан булғанди». Юон таъсирида сўзловчилар бидъатчилар деб аталди.

Гарчанд калом илмининг аломатлари Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин дарҳол кўзга кўринган бўлса-да, аммо унинг фан сифатида шаклланиши маълум маънода ақлий (рационал) таълимотни ишлаб чиқсан мұтазилийлар туфайли юзага келган эди. Мұтазилийларни исломнинг гоявий доираларида калом илмининг биринчи вакиллари деб расман тан оладилар, чунки айнан мұтазилийлар биринчи бўлиб дин масалалари, янги пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилишда мантиққа суюнار эди. Уларнинг расман тан олинганилиги ва аббосий халифалар томонидан кўллаб-кувватлангани уларга дин ҳақидаги ўз қарашларини ишлаб чиқиши имкониятини берди. Бу эса Куръони каримни зоҳирий идрок этувчилар учун катта муаммоларни келтириб чиқарди.

Бу даврдаги теологик баҳслар ҳақида сўз юритилганда, бир қанча мактаблар мавжуд бўлганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Улар қўйидагилардир:

Жабария - VII аср охири VIII аср бошида ислом илоҳиётидаги пайдо бўлган илк оқимлардан ҳисобланади. Жабарийлар инсон тақдирини Худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, бу сифатлар факат Худода мавжуд, деган қарашни ўртага ташладилар. Улар инсон ана шу фаолиятни ўзлаштириб олиш имкониятигагина эга, деган таълимотни илгари сурдилар. Муҳаммаднинг пайғамбар эканлиги, халифаларнинг конунийлигини асослашда бу таълимот катта ўрин тутади. Шунинг учун ҳокимиятни бошқарган уммавийлар жабарийларни кўллаб-кувватладилар, уларнинг муҳолифларини таъқиб остига олдилар.

Жаҳмия - Абу Муҳриз Жаҳм ибн Сафроннинг номи билан боғланган мактаб. Ўрта аср илоҳиётни олимлари уларни дам муржийларга, баъзан эса, жабарийларга киритадилар.

Жаҳм ибн Сафрон Абу Муҳриз — машхур илоҳиёт олими ва Хурросон муржий — жаҳмийларининг сардори Ал—Хорис ибн

Сурайжнинг котиби бўлиб, Хуросондаги уммавийлар ҳокими Наср ибн Сайярга қарши кўзғолонда қатнашиб, асир тушади ва қатл (745 йил) қилинади. У ал-Жаъд ибн Диরҳамнинг шогирди бўлган. Уни Аллоҳнинг барча сифатларини тўлик тан олмасликда айблаганлар. У Аллоҳнинг қодир, фозил, яратувчи, олим каби сифатларни тан олиб, инсон амал, хоҳиш ва иродада эркинлигига эга эмас, дерди. Аллоҳ инсондаги амални худди табиатдагидек амалга оширади. Амал инсон туфайли деб айтилиши, худди «дараҳт ҳосил берди», «сув оқаяпти» деб айтган кабидир. Инсон ўз амалининг яратувчиси эмас. Имон иккига: сўз ва амалга ажралмайди. Дин, иймон Аллоҳни билиш; динсизлик, имонсизлик эса Аллоҳни билмасликдир.

Инсон Аллоҳга қалбда эътиқод қилиб, тилда ундан воз кечса, кофир бўлмайди, мусулмонлигича қолаверади. Дин, иймон ҳаммада (пайғамбарлардан то оддий фуқароларгача) тенг, бир хилдир. Бу таълимотнинг илк тарғиботчиларидан Бишр ал-Марисий (Багдодда 833 йил вафот этган) ҳисобланади.

IX асрда бу таълимот «инкор» этила бошланди.

Қадарийлар. Улар инсон ўз хатти-ҳаракати ва тақдирининг ҳукмдори деб талқин қилиш тарафдорлариридир.

Бу илк илоҳиёт оқимларидан биридир. Бу йўналиш тақдир ва иродада эркинлиги масаласида ўзига хос таълимотни илгари сурди, яъни жабарийлар таълимотига қарши ўлароқ, инсон ўз амалининг яратувчиси деб тушунтирилдилар. Улар одиллик Худонинг асосий сифатларидан бири деган фикрга бориб, гуноҳни у олдиндан белгилаб қўйган бўлиши мумкин эмас, Худодан фақат адолат ишини кутиш мумкин, гуноҳ ишлар эса инсон фаолияти маҳсули, демак, инсон иродада фаолият эркинлигига эга, шу сабабли у гуноҳ килади, деган хulosага келдилар.

Қадарийлар сиёсий жиҳатдан уммавийлар хонадонидан бўлган халифалар ҳокимииятига қарши турардилар. Қадарийларнинг энг ийрик вакиллари Маъбад ал-Жуҳаний (699-700 ёки 703-704 йилларда ўлдирилган), Жайлан ад-Дамашкий (742 йилда қатл этилган), Ҳасан ал-Басрий (642 — 728) ҳисобланадилар. Гарчи уммавий халифалардан иккитаси, Муовия ва Язид, айтишларича, қадарийларнинг карашларига мойил бўлган бўлсалар ҳам қадарий ҳаракати уммавийлар даврида ҳеч қачон катта кучга эга бўлмаган.

Муржиия - Муржиийлар алоҳида бир йўналиш эмас, балки барча мазҳаблар ичida ўз тарафдорларига эга йўналишнинг вакиллариридир. Улар инсон масъулиятини муқокама қилишни «орқага суриб» (иржа), яъни инсоннинг хатти-ҳаракати, унинг имонини ёлғиз Аллоҳнинг ўзигина билади ва фақат унинг ўзи инсон устидан хукм чиқариши мумкин, деб ҳисобладилар. Бу гояни халифа Али ибн Абу Толибининг невараси Ҳасан ибн Мұхаммад VII асрнинг 90-йилларида куфалик Али тарафдорларига ёзган номаларида

ифодалаган. Худди шу каби номалар халифаликнинг бошқа шаҳарларига ҳам юборилди. У халифа Усмонга нисбатан содир этилган исломдаги биринчи фитнанинг дин учун ўта мудхиш оқибатлар келтириб чиқаришидан хавфсираб, рақиб тарафни бадном этиш, тарафкашлик фикридан воз кечишга чакирди. Али тарафдорларини бекорга қон тўкишини бас қилиб, уммавийлар билан келишувга чакирди ва ҳар қандай мўмин ҳақида, хоҳ ўлган бўлсин, хоҳ тирик, ҳукм қилиш, муҳокама қилишини қоралади. Бу таълимот тезда Ироққа, ундан халифаликнинг шарқий вилоятларига ёйилди.

Мұтазилия - Қадарийнинг таълимотини VIII аср охирларидан изчил давом эттирган ва ислом фалсафасининг шаклланишига замин яратган йирик ислом тафаккури ўчғи мұтазилийлар мактабидир. Улар шариат томонидан фалсафа билан бир қаторда бидъат таълимот сифатида қораланган. Барча ҳақ ва ноҳақ таълимотларда бўлгани каби уларнинг қарашларида ҳам тўғри ва нотўғри жиҳатлар бўлган. Мұтазилийлар исломни мантиқ асосида тушуниш бўйича бир неча ғояларни илгари сурган эдилар. Улар Аллоҳнинг одиллиги ва бирлиги борасида баҳс юритиб, инсоннинг ўз хатти-ҳаракати ва эҳтиёжлари учун ўзи масъуллiği, Аллоҳ ҳар бир ишида ҳақ эканлигини исботлаш учун майдонга тушдилар. Балки уларнинг мақсади Аллоҳ ҳақидаги билимларни эгаллашда ақлий-мантиқий тафаккур муҳим эканлиги ва ваҳийни мантиқ ёрдамида тушунишга чакириш бўлгандир. Маъмундек юон фалсафаси ва илмини исломлаштиришга кизиккан халифанинг мұтазилийлар ғояларини қўллаб-кувватлагани шунинг учун бўлса керак. Ушбу ҳаракат Халифа Маъмун даврида гуллаб-яшнади. Мұтазилия ғоялари 833-848 йилларда давлатнинг расмий таълимотига айланди. Бу ғояларни тан олмаганлар таъқиб остига олинди.

Маъмун 833 йилда мұтазила мухолифларига карши «Миҳна» ташкилотини тузди. Унга кўра, давлатнинг диний мансабларига тайинланиш жараённада диний арбоблар Куръоннинг яратилганлигини эътироф этишлари лозим. Маъмундан кейин унинг ўғли Мұтасим ва невараси Восик бу ишни давом эттириб, ташкилотнинг ваколатларини янада кенгайтирдилар. Масалан, Халифа Мұтасим Аҳмад ибн Ҳанбални Куръон яратилгани ҳақидаги фикрларига қўшилмагани учун ҳушдан кетгуича дарралаган. Халифа Восик уламоларни жазолашда ҳатто қатл қилишдан ҳам тоймаган.

Анъянавий қарашларга мувофиқ, мұтазилиянынг асосчиси Восил иби Ато (в.748) машхур факиҳ Ҳасан Басрийнинг шогирди бўлиб, улар ўртасидаги келишмовчилик хорижийлар кўтарган масала юзасидан келиб чиқсан: «Гуноҳи кабира содир қилган муслим бўлиб қоладими?». Хорижийлар бунга мутлақо салбий жавоб қайтарганлар. Муржийлар мавхум, Восил иби Ато эса ижобийга

яқин жавоб қайтарған. Унингча, гуноҳи кабира қилған киши куфр ва имон ўртасида қолади. Дарҳақиқат, бундай гуноҳкор, Восил бўйича, фосиқдир (оғир гуноҳли), шундан бошқаси бўлиши мумкин эмас. Унинг фикри ўтирганларни дарғазаб қиласи ва унга қарши хужум бошланади. Шунда Восил ибн Ато даврани намойишкорона тарк этади.

Восил ибн Атонинг бошқа асосий масалалар бўйича қарашлари ҳакида маълумотлар кўп эмас. Аммо, шуни таъкидлаш керакки, мұтазилия ва жаҳмийлар мактабларининг асосчиси бўлган Жаҳм ибн Сафрон (в.745) ўртасида яқин алоқалар бўлган. Жаҳм ибн Сафроннинг Восил ибн Атонинг замондош эканлиги ҳам бу иккى олим ўртасида бевосита муайян баҳслар бўлганлигини инкор этмайди. Жаҳмийларнинг таълимотига кўра, Худо томонидан инсоннинг барча ҳаракати мунтазам олдиндан белгиланган. Баъзи олимлар уларнинг асосий ғояларини таҳрир қилиб, шариятга мувофиқлаштирилар ва бу ишни қилғанлар жабрийлар (яъни аниқлик кири тувишчилар) деб атади.

Жаҳмийлар ва мұтазилия ғоялари ўртасида ўхшаш томонлар анча бўлган. Масалан, Куръоннинг яратилғанлиги, Аллоҳ зоти ва сифатлари билан бирлиги ғояси шу жумладандир. Мұтазилийлар ўзларини илоҳий Тавҳидга эътиқод жиҳатидан ҳақиқий мўъминлар, яъни «муваҳҳидин» деб атаганиклари каби жаҳмийлар ҳам ўзларини шундай атаганлар. Бироқ жаҳмийлар инсон иродаси эркинлиги масаласига қўшимча равишда жаннат ва дўзахнинг охир-оқибат йўқ қилиниши ҳақидаги ғояни кўтариб чиқдилар. Жаҳмийлар ўз фикрларида Куръоннинг «Раҳмон» сурасининг, 27-оятида айтилган «Улуғлик ва икром соҳиби бўлган Раббингизнинг «юзи» боқий қолур», - деган фикрларга суюниб, шунингдек, «Ҳадид» сурасининг «Аллоҳ Аввал ва Охир (Биринчи ва охирги)» мазмунли З-оятига таяниб, барча нарсаларнинг охир-оқибат ҳалок этилиши ҳақида хулоса ясадилар. Шу ўринда улар зардўштийлар каби фикрладилар. Аммо бу ғоя мұтазилийларнинг жаннат ва дўзахнинг абадийлиги ҳақидаги таълимотига зид.

Жаҳмийларнинг фикрича, инсон ҳаёти тўлиғича тақдир этилган ва дараҳт мева тувиши, оқим тўлқинни вужудга келтириши каби инсон фаолиятининг натижаси, унинг ҳатти-ҳаракати, яъни амалларини келтириб чиқаради.

Аллоҳ жонли ва жонсиз нарсаларнинг ҳар иккисининг ҳам амалларини яратади, инсон бошқа яратилғанлар категорида бўлгани учун у ҳам на қудрат, на иродага ва на танловга эгадир. Бундан инсоннинг ёвуз амаллари ҳам Аллоҳ иродаси билан содир бўлади, деган хулоса англашилади.

Жаҳмийларнинг бундай қарашларига қарши мұтазилийлар Аллоҳнинг адолатли эканлиги ғоясини илгари сурдилар. Илк испом теологлари Аллоҳнинг адолатсиз бўлмаслиги масаласига бир хил қарар

эдилар. Бироқ Аллоҳ адолатининг амалга ошиши тартиби ва дунёда ёвузликнинг нега мавжудлиги уларни кўп ҳам кизиктирмас эди. Восил давридан бошлаб бу масала мұтазилийларнинг асосий гояси кўринишида калом баҳсларининг бош масаласига айланди. Улар Аллоҳ адолатининг муқаррарлiği, шафоат йўқлиги ва дўзахда мангу азоб борлигини тарғиб этдилар. Аллоҳнинг тақвадорларни муносиб тақдирлаши ва ҳидоятдан адашгандарни жазо кутажаги ва бунда на пайғамбар ва на авлиёларнинг шафоати ёки Аллоҳ раҳми бўлмаслиги ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар.

Мұтазилийларнинг жиҳдий баҳсларга сабаб бўлган яна бир таълимоти ирода ва илоҳий калом хусусида эди. Мұтазилийларнинг Абу Ҳузайл бошчилигидаги Басра мактаби илоҳий ирода ва унинг имконийлашуви ёки яратилмага айланиши борасида баҳс чиқардилар. Улар Куръони каримнинг яратилғанлиги гоясини илгари сурдилар. Ашъарийнинг ўзининг «Мақолот» асариде келтиришича, мұтазилийлар христианларнинг Исо пайғамбарга Тангрининг абадий каломи деб қараганини қоралаб, мусулмонларнинг Куръони каримга сингинишларини гўё олдини олмоқчи бўлдилар. Мұтазилия мухолифлари бу номаъкул баҳс христианликда мавжуд «Илоҳий калом Исо пайғамбар жисмиде моддийлапти», - деган қарашлардан хабардорликдан келиб чиқиб, юритилаётганлиги ва мұтазилийларни Куръони каримнинг яратилғанлик гоясини айнан христианликдан олганликда айбладилар.

Инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларида эркинлиги гояси байзи мұтазилийларни янада чукур изланишга ундаdi. Басра мактабининг бошлиғи Абул-Ҳузайл (в.841) таваллуд концепциясини ишлаб чиқди. Бунга мувоғик, Ал-Ашъарий ёзишича, амаллар инсон томонидан «ҳаракатга келтирилади» ва улар икки қисмга бўлинади. Биринчиси, «кайфия» амаллари дейилиб, инсон бу амалларнинг қандайларгини (кайфия — арабча, «қандайларига алоқадор» маъносини беради) билади. Масалан, ўқнинг учishi ёки икки жисм тўқнашувидан ҳосил бўлган товушни билгани кабидир. Иккинчиси «кайфиятдан холи»(било кайфа) амаллар бўлиб, инсон уни назорат қила олмайди. Масалан, роҳатланиш, оч колиши, билиш, ҳидни сезиш ва ҳакоза. Инсон, айтиш мумкинки, кайфия амалларини онгли равишда ўзи бажаради. Ўзи идора этолмаган ва ўзига боғлиқ бўлмаган амаллари Аллоҳга тааллуклидир. Шу даврда мұтазилийларнинг Бағдод мактаби етакчиси Бишр ибн ал-Мұтамир (в. 825) ҳам таваллуд назариясини кабул килиб, уни ўзича талқин килди. Унингча, бизнинг амалларимиздан нимаики ҳосил бўлса, биз уларни қанчалик назорат қила олишимиздан қатъий назар, бизнинг феълимиз натижасидир. Бу икки мактаб фикрларида муайян фарқ бўлса-да, улар куйидаги масалаларда яқдил эдилар:

1. Инсон ўз хоҳишини амалга оширишда ўз эркин иродасига мувоғик ҳаракат турини танлайди.

2. Инсон айрим, ўз табиатига боғлиқ бўлмаган ҳаракатларини иродга-хоҳишига кўра амалга оширади.

Шу тариқа, «ирода»нинг сабаб сифатида ва ҳодисанинг оқибат сифатидаги мувофиқлигига эришилгандек эди. Бироқ мұтазилийлар орасида бу олимларнинг ғоялари ҳам турли баҳсларга сабаб бўлди. Ўртадаги туганмас баҳсларга чек қўйиш ва ягона таълимот асосларини яратиш олимлар учун долзарб масалага айланди. Шу йўналишда ҳаракат қилиб кўрган олимлардан бири ал-Наззомдир (в.835). У ўз қарашларида турли фалсафий усууллардан фойдаланди. Жумладан, «табъ» — яъни табиат ва «кумун» — натижада кўринган нарсаларнинг Аллоҳ ҳикматига тааллуклилиги ҳақидаги тушунчаларни истемолга киритди. У оламдаги барча ҳаракатларни табиат орқали бавосита Аллоҳга боғлашга ҳаракат қилди. Бу концепцияда Аллоҳ табиат ҳодисаларига мунтазам аралашибгага бўлган заруратдан озод деб тасаввур қилинди ва, шу билан бирга, унинг бильвосита ҳукмронлиги сақланиб қолади, дейилди. Бироқ бундай қараш илохий курдатнинг чексизлигига эътиқод қилган Ибн Каиром (в.869) ва унинг издошлиари каби инсоннинг ирова эркинлигига эгалиги ҳақидаги ғоя тарғиботчилари Бишр ва Абул-Хузайлни ҳам қониқтиримади. Улар ал-Наззомни кескин танқид қилдилар.

Ал-Наззом «табъ» тушунчасини ашё ичидаги мураккаб жараён асоси сифатида кўрсатишида Бишр ал-Мұтәмарнинг устози Мұъаммар б. Аббосга эргашган бўлиши мумкин. Мұъаммар «табъ» тушунчасини мантиқ доирасида олиб қараган ва жисм-тананинг мавжудлиги Аллоҳга боғлиқ, ундаги акциденциянинг яшовчанлиги жисм-тананинг ўз «ҳаракати»га боғлиқ, деб таъкидлаган эди. Ушбу ҳаракатларнинг келиб чиқиши сабаби икки хил бўлиши мумкин. Ал-Наззом ёмғир мисолида ҳаракат табиий заруратдан (табъан) келиб чиқиши мумкин, деб қарайди. Унингча, ихтиёрий тарзда (ихтиёран) бирор нарса рўй бериши ҳам мумкин. Бунга мисол қилиб ал-Наззом инсон, жонзорларнинг пайдо бўлишини кўрсатади. Бу мулоҳазани Мұъаммар қуидаги асослашга ҳаракат қиласи: тана бирор бир сифатга (масалан, ранга) таъсиран бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Биринчи ҳолатида ранг унга ўз табиатига биноан тегишли бўлади. Бунда ранг унинг феълидан келиб чиқади (мин феълихи), чунки нарсанинг нисбатан табиий бўлиши бошқа бир нарсанинг ҳаракатидан ҳосил бўлган, деб бўлмайди. Иккинчи ҳолатда эса, Аллоҳ танага бирор рангни ирова этиши мумкин, аммо тана рангни унга мойил бўлмагани сабабли кабул қилмаслиги мумкин. Демак, Аллоҳ сифатларга сабаб бўлади, деб айтиб бўлмайди, аммо бавосита сабаб бўлиши мумкин, яъни тана сифатларни табиий равища олади.

Мұъаммарнинг табъ тушунчасида мантикий ечимга келиши Аллоҳнинг дунёдаги ёвузликларга масъул эмаслигини кўрсатиши истагидан туғилган.

Мұйаммарнинг бу қарашларини унинг мухолифлари заиф деб ҳисобладилар ва «Аллоҳ ҳаёт ва ўлимнинг яратувчиси» эканлигини таъкидләдилар.

Инсон феъли масаласыда Мұйаммар таълимоти ал-Наззом таълимоти рухига яқын эди. Наззомнинг фикрича, «инсон субстанциядир ва танадан айридир. Инсонга күч-кудрат, ташаббус, билим, ҳаракатта таъсирчан бўлмаслик, роҳат, тараққий этиш ва бошқа неъматлар берилган. У макон ва вақт, шарт-шароитлар хўжидан озод ва фақат тадбир билан иш кўради». Ал-Ашъарий унга шарҳ берib, «инсон, Мұйаммар бўйича, танани бошқарувчи «бўлинмас кисмча» (атом) бўлиб, у иродани амалга оширувчи механизмдир, «инсон ташки оламда бирор нарса қилишга ожиз», дейди. Наззомнинг фикри ҳам худди шундай, факат у инсон ўз ирода-ҳоҳиши олами ичида (фи нағсиҳи) ҳаракат қиласи, деб қўшимча қиласи. Шундай қилиб, инсон билим, ирода, нафрат билан тақдирланган, бирок у иродасидан ташқари оламда бирор ишни бажаришга кодир эмас. Тана ва рухнинг алоҳидалиги ҳақидаги қарашлар кескин баҳсларни келтириб чиқарди. Бағдод калом мактабининг нуғузли вакили Тумама б. Ашрас (в.828) мұтазилийлар каби Аллоҳ адолати ва инсоннинг ўз феъл-амалларига масъуллигини ёқлаб чиқди. Аммо ўз фикрларида қарама-қаршиликка дуч келиб, бутунлай агностицизм мавқесига ўтиб олди.

Диккат қилинса, Бишр ва Абул-Хузайл инсон ўз иродасидан ташқариди содир этган феъли учун ўзи жавобгар, деб ҳисоблагандар. Ал-Наззом ва Мұйаммар бўйича, инсоннинг феъли табиатта боғлик бўлиб, табиат орқали Аллоҳга боғланади. Тумама «агар Бишрни ҳақ десак, унда инсон содир этган котиллик унинг бўйнига қўйилади. Иккинчя томондан, агар ўлим Аллоҳ иродаси десак, унда инсоннинг ушбу феъли учун Аллоҳ жавобгар бўлиб чиқади. Инсон ирода доирасида ҳаракат қиласа ва ундан ташқари у ҳеч нарсага кодир бўлмаса, унда унинг феъл-амаллари учун ким жавобгар?» деган саволни ўртага ташлади. Тумама фикрича, оқибат учун масъул, демак, йўқ. Тумаманинг хуносасига кўра, Аллоҳ ҳам, инсон ҳам содир этилган феъл натижаси бўйича маънавий масъулиятдан озоддир. Тумама ўз қарашларига ҳеч бир ақлий далил келтира олмаган. Унинг таълимоти ҳақида маълумотлар шунчалик камки, муайян тасаввурни ҳосил қилиш ўта мушкулдир.

Мұтазилийлар инсон ўз феълини яратувчиси дейиш билан бирга атомлар ва акциденциянинг имконий метафизикасини (илоҳиётини) баён қилгандар. Бу қараш бўйича, оламдаги барча нарсалар иккита бир-биридан фарқланадиган унсурлар – атомлар ва акциденциядан ташкил топади. Калом олимлари Зуар б. Амр, ал-Наззом, Ҳишом б. Ал-Ҳакам, ал-Асамм каби олимлар бу масалаларда турлича мавқеларда бўлсалар ҳам, ашъарийлар уни тўлалигича қўллаб-куvvatlagانлар. Ашъарийлар барча нарса-ащёларнинг қарама-карши кутби борлиги каби тана ҳам ижобий ва салбий сифатларни коли билди

олмайди, деб ҳисобладилар. Ушбу хулоса кўпчилик мұтазилийлар томонидан маъқулланди. Шунга қарамай, мұтазилийлардан Солиҳ Куббо ва ал-Солиҳий каби олимлар уларга қарши чиқиб, Аллоҳнинг құдратли эканини рўйа қилиб, Аллоҳ акциденциялардан холи атомни яратиши мүмкінligини таъкидлаганлар. Абу Ҳишом б. Ал-Жубай (в.933) ва ал-Каъбий эса уларга қисман қўшилиб, тана ранг ва кавн (коннот) акциденцияларини истисно этганда барча акциденциялардан ажратилиши мумкин, деганлар.

Мутакаллимларнинг (ашъариylарнинг) атом ва акциденцияларнинг имконий метафизикасига қизиқишига сабаб, улар Аллоҳнинг мутлақ ҳокимлігіни ва унинг нарсалар мөхиятигагина эмас, балки уларнинг мавжудлігига, бир турдан иккінчи турға ўтишига ҳам дахлдор эканлігіни кўрсатиб беришга ҳаракат қылдилар. Уларга биноан, нарсаларга ҳаёт бағишлиб турган аъроз Аллоҳ томонидан олиниши билан улар ўлади.

Хулоса қилиб мұтазилийларнинг бизгача ётиб келган гоялари ҳақидағы маълумотларни куйидагича тасниф этиш мумкин: 1) Аллоҳнинг адолатлілігі; 2) Тавхид (Аллоҳнинг бирлігі); 3) Аллоҳ вәйдаси (Ахд) ва қаҳрининг событлігі; 4) куфр ва имон ўтрасида аросатда қолиш; 5) ал-амр ван-нахай.

1.3. Ашъария ва мотуридия

Аммо мұтазилийларнинг ҳұмроңлігі узокқа чўзилмади. Мутаваккил таҳтга ўтириши билан вазият ўзгарди. У ҳадис ва фикхни биринчі ўринга қўйиб, мұтазилия оқими тарафдорлари билан курашга кириши. Аммо шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, асосий ва доимий ҳужумлар мұтазилийлар мактаби асосчиси Восил ибн Ато вафотидан кейин бир аср ўтгандан кейингина бошланди. Халифа Мутаваккилнинг кирғинбарот сиёсати ва ҳанбалийларнинг ғалабаларига қарамай, дин масалаларини кўтариб чиқкан мұтазилийларнинг таъсири камаймади. Қанча ҳаракат қилинмасин, факихларнинг ва Куръон тафсирчиларининг бурунги мустаҳкам ва дахлсиз нуғузини тиклашнинг иложи бўлмади. Жамиятда мантикий тафаккур тарзи, барибир, устуворлашиб бораверди. Бу тенденциянинг ортишида кенг тарқалаётган перипатетик фалсафа ва тасаввуф гоялари ҳам муайян хизмат кўрсатгандыгын эсдан чиқармаслик керак. Шариат ва илоҳиётни келиштириш, мантикий фикрни шаръий асосларга қўйиш — бидъат ва бузғунчи гояларга қарши курашнинг ягона чораси эканліги англанунга қадар орадан бир аср вақт ўтди.

Бу иш деярли бир даврда, бир-биридан хабарсиз ҳолда, ислом оламининг бир-биридан узок иккى минтақасида яшовчи илоҳиётчи олимлар – бири Бағдодда Абулҳасан Ашъарий, иккинчisi Самарқандда Абу Мансур Мотуридий томонидан муваффакиятли амалга оширилди. Шуниси аҳамиятлики, уларнинг асосий масалалардаги хулоса ва ечимларида

зиддият йўқ, айниқса, Мотуридий таълимоти Ашъарийнидан бир мунча муфассалроқ ва равшанрокдир.

Абулҳасан Ашъарий 873 йилда Басрада туғилган. У шу ерда мұтазилийлар пешвоси Жуббоідан таълим олиб, вояга етди. 912 йилда мұтазилийлар билан алоқани узиб, Багдодга кўчиб ўтди ва шу ерда 935 йилда вафот этди.

912 йилда ал-Ашъарий диний амрлар, Аллоҳ маърифати ва унинг яратылмалари хақидағи исломий илмларнинг заиф томонларига эътиборни қаратиб, шариат ислом асосларини ҳимоя қилиш учун етарли кучта эга, ваҳийни тушунтириш учун аклий-мантикий тафаккурға ҳожат йўқлигини баён қилди. Мұтазилийлар бўйича, Куръон матнларини чукур таъвил қилишша мантиқ, катта тушунтириш кувватига эга. Улар Куръони карим мантиққа қарши эмаслигини асос қилиб келтирап әдилар. Масалан, Куръон кўр-кўрони эътиқодга қарши, муслим ва коғирларни бирдек акл билан тафаккур қилишга чакиради (Куръони карим, 2:170;5:104) ва қайта-қайта унинг сўзларига кулок тутишни буюоради (3:63;12:2.). Аллоҳ, унинг мавжудлиги, зоти ва сифатларини билиш, шунингдек, чин эътиқодга эришиш, яхши-ёмон ахлоқни бир-биридан фарқлаш, пайғамбарлик ва ваҳийнинг ҳақиқатиги, моддий олам тузилиши ва унинг Яратувчиси орасидаги муносабатни аниқлаш акл ва тафаккурсиз бўлмайди. Акс ҳолда улар диний амрлар ва нақлга таяниб қолиши мумкин, булар эса ўзининг номукаммаллиги туфайли ҳақиқий имонга птурт етказади.

Бу икки теологик мактабнинг баҳслари предмет ва усул жиҳатидан теологик бўлса ҳам фалсафий мушоҳадаларга асосланган. Айни чоғда, бу икки оқимнинг файласуфларга муносабати салбий әди. Улар, бир томондан, динни тушунишда мантиқнинг фойдали эканлигинин тан олардилар, иккинчи томондан эса, юони таълимоти, айниқса, Аристотел ғоялари асосида динни тушунтираётган «ал-фалсафа»ни коралар әдилар. Ашъарийлар шариат манфаатларини ҳимоя қилгани боис майдонга тушгани учун ҳам ўша даврларда устувор бўлган тенденция бўйича фалсафага қарши тургани табиий. Бироқ мұтазилийлар ўзлари шариат томонидан бидъят гурӯҳ сифатида коралана туриб, фалсафага қўшилмаганлар. Зоро, «ал-фалсафа» диний хужжатларни тамомила инкор етарди. Бундан мұтазилийларнинг диний хужжатларни тан олгани маълум бўлади.

Сунний эътиқоддаги иккинчи йирик илоҳиётчилик оқими – мотуридиянинг ватани Самарқанддир. Унинг асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий (870-944) Самарқанднинг Мотурид қишлоғида туғилган. У дастлабки таълимни ўзининг қишлоғида олиб, кейинчалик Самарқанддаги Работи ғозиён мадрасасида давом эттириди. Ал-Мотуридий яшаган давр сомонийлар хукмронлик ҳилган даврга тўтири келади. У Самарқандда 944 йилда вафот этган ва қабри шаҳар чеккасидаги Чокардиза қабристонидадир.

Мотуридий асарларининг сони ўн бештага етади. «Китаб ат-тавхид», «Китаб ал-мақолот», Каъбий асарларига муносабат билдирилган бир неча асарлари, «Китобу баёни ваҳмил-муътазила» («Муътазилийлар вахму гумонларининг баёни ҳакида китоб»), «Китаб таъвилот ал-Қуръон» («Қуръон таъвиллари китоби») кабилар шу жумладандир.

Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Мо аҳаз аш-шароиъа» («Шариат асослари манбаси»), «Китаб ал-жадал» («Диалектика ҳакида китоб») каби асарлари ҳам бўлган. Булардан ташқари, ал-Мотуридийнинг «Китаб ал-усул» («Диний таълимот усули китоби») асари ҳам маълум. Ал-Мотуридий «Таъвилот ал-Қуръон» асарида Абу Ҳанифанинг қарашларига суюнган ҳолда бузгунчи ғояларни рад килишга ҳаракат қиласди.

Ал-Мотуридийнинг мазкур асарига кўп олимлар мурожаат килганлар ва ундан ижодий фойдаланганлар. Айримлар шарҳ ёзib, алломанинг фикрларини янада ривожлантирганлар. Шулардан бири Алоуддин ас-Самарқандийнинг шарҳидир. «Шарҳ таъвилот ахлис-сунна» деб номланган бу асарнинг икки нусхаси ЎзФАЩИ фондида сақланади.

Ал-Мотуридий кўп шогирдлар етишиди, улар орасида ислом оламида машҳур алломалар Абул Ҳасан ар-Рустуғфоний (вафоти 961 йил), Исҳок ибн Муҳаммад ас-Самарқандий ва Абдул Карим ал-Паздавий (вафоти 999 йил), Абу Аҳмад ал-Ийдий каби олимлар бор эди. Бу шогирдларнинг сабй-ҳаракатлари туфайли ҳанафий мусулмонлар ичida мотуридия таълимоти кенг тарқалган.

Олмон олими Улрих Рудолф Мотуридий илмий меросини Ашъарий таълимоти билан солишириар экан, уларнинг ўртасидаги муайян ўхшашикларнинг мавжуд эканлигини эътироф этади. Шу билан бирга, баъзи фарқлар ҳам учраши ва улар энг муҳим тамойилларга тегишли эканини аниқлади. Аввало шуни айтиш керакки, уларнинг суннатга муносабатида ҳамфирлик йўқ. Чунки Ашъарий бошда, муътазилий олими эди, кейинчалик намойишкорона, Улрих Рудолф ифодасича, балки итоаткорона, ҳанбалийлар томонига ўтди. Мотуридий эса шарқий ҳанафийликнинг намояндаси эди ва умрининг охиригача шундай бўлиб қолди.

Ашъарий ўз назариясини далиллаш учун радикал таърифлар келтиришдан қайтмаган. Мотуридий эса, аксинча, радикалликдан қочган. У кўпроқ барчани кониқтирувчи, шу билан бирга ислом асосларига мувоғик келувчи синтезлаш ўйлени афзал кўрган.

1.4. Мотуридий таълимоти

Илоҳий ва молдий борлиқ. Яратилган борлиқнинг тузилиши ҳакида Мотуридий даврига келиб калом илмида айрим мuloҳазалар шаклланиб бўлган эди. Улар куйидагича:

1. Биринчи фарз VIII асрда яшаб ўтган Зирар б. Амр томонидан ишлаб чиқилган. Ундан кейинги даврларда Нажор ва Бургус ишларида ҳам учрайди. Уларга кўра, олам акциденция (аъроз)дан иборат. Бу тушунча остида Зирар ҳиссий-сезги аъзолари томонидан қабул килинадиган барча нарсаларни тушунади. Бу нарсалар мустақил эмас, биргаликда акциденцияларни ташкил қиласи. Агар жисмлар ўзгарса, демак, уни ташкил этаётган акциденцияларнинг бири ёки бир нечтаси ўзаро ўрин алмашаётган бўлади. Сифатлар ўртасида фарқ бор. Уларнинг баъзилари доимий, баъзилари эса доимий эмас. Масалан, иссиқ ва совук, қуруқлик ва намлиқ, енгиллик ва оғирлик доимий қисмлардир (абъоз). Лаззат ёки оғриқ каби бошқа сифатлар доимий эмас. Улар жисмнинг асосини ташкил этмайди ва шунинг учун улар акциденция (аъроз) деб қаралиши керак.

2. Иккинчи мулоҳаза унга тескари бўлиб, унинг тарафдорлари ичida Ҳишом б. Ал-Ҳаким, ал-Асам, Наззомлар ҳам бўлган. Уларга кўра, моддий олам акциденциялардан эмас, балки жисмлардан тузилган. Зирар аъроз деган хусусиятларга Наззом жисмоний хусусиятлар деб қараган. Уларнинг турғун бўлиб қолмай, ўзгаришда бўлишига сабаб жисмларнинг ҳамиша аралаш ҳолатда бўлишидир. Улар бир-бирларининг таркибида бўлиб, бири иккincinnisinинг ичida яширин (камин)дир. Уларни физик жараён ўзгара бошлагандан кузатиш мумкин. Буни Наззом ўтин мисолида тушунтириб беради: у ёнгандা, олов ажралади, оловда унда яширин бўлган асослар-иссиқлик ва ёруғлик сезилади. Худди шундай, олам жисмлар билан лиқ тўла бўлиб, уларни сезги аъзолари ёрдамида турли даражаларда аниқлаш мумкин.

3. Учинчи мулоҳаза шундан иборатки, жисмлар ҳам, акциденциялар ҳам борлиқнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Жисмлар жуда кичик бўлинмас қисмлардан ташкил топган (ал-жузъ аллази ла ятажазза). Ушбу учинчи мулоҳаза ислом илоҳиётчилигига атомизм назарияси сифатида машҳур бўлди.

Атомистик таълимот IX асрда Муъаммар, Бишр б. Ал-Муттамир каби мутафаккирлар томонидан илгари сурилди. Аммо унинг оммалашувида Абул Ҳузайлнинг, сал ўтмай Жуббаййнинг талқинлари катта рол ўйнади. Каломнинг ривожланиши босқичида уларнинг талқинлари марказий ўринга кўтарилди. Бу концепцияга кўра, вужудга эга ҳар бир яратилган нарса (шай) ё жисм шаклида бўлади ёки акциденция бўлади. Жисм деганда муайян ўринга эга нарса назарда тутилади. У акциденцияни қабул қилиши ҳам, ўз кўринишида қолиши ҳам мумкин (коим би нафсиҳи).

Акциденциянинг сифатлари эса унга тескари. У ҳеч қандай ўринга эга эмас ва бошқа нарсага қўшилмаган (коим би файрихи). Шунинг учун у ҳамиша бирор ўринга зарурат сезади (маҳалл). Ўрин эса фақат моддий субстанция — жисм бўлиши мумкин. Моддийликнинг

таркиби атомлардан иборат. Битта жисм ҳосил қилиш учун нечта атом лозим бўлади? Абул Ҳузайл олтита, Муъаммар саккизта деб ҳисоблаган ва ўз ҳисобларини жисмнинг уч ўлчами (жисмнинг узунлиги (тавил), эни (ъариз) ва чуқурлиги (ъамиқ)дан келиб чиқиб исботлашга уринганлар. IX асрда келиб, ал-Искафий жисм ҳосил бўлиши учун икки атом етарли, деган хulosани ўртага ташлади. Ашъарий ҳам худди шундай фикрни – жисм икки жуз(атом)нинг қўшилишидан ҳосил бўлади, деган хulosани илгари сурди (ал-мужтами).

Мотуридий атомизмни инкор қилмади, аммо уни қўллаб-куватламади ҳам. У «ал-жуъз аллази ла ятажазза», яъни «бўлинмас қисм» тушунчасини «жавҳар» истилоҳи билан алмаштириди. Унгача ҳам айрим мутакаллимлар жавҳар истилоҳини «бўлинмас қисм»га нисбатан ишлатганлар, бироқ Мотуридий талкинида бу истилоҳ ўзгача аҳамиятга эга бўлди. Олим бу истилоҳни икки ҳолатда қўллайди: жавҳар, баъзида жисм ёки моддий нарсани англатади, бу ҳолатда у «ойин» (кўпликда «аъён») маъносига тўғри келиб, конкрет, алоҳида нарсани англатади. Баъзида эса моддий ибтидо ёки нарсанинг асли, яъни моҳияти ҳақида гапирганда қўлланади. Мотуридий бу тушунчага олдинги мутакаллимлардан фарқли равишда фалсафий кенг маъно беради.

Мотуридийнинг фикрича, олам жисмлар ва акциденциялардан ташкил топган. Нарсалар (ашёлар) икки хил бўлади:

1. Жисмоний моҳият (ойин), яъни жисм.
2. Сифат, яъни акциденция (аъроз).

Жисм – бу охири (ниҳояси) бор ва шу билан бирга чекланган. Унинг томонлари (жиҳатлари) бор: улар олтитадир. Демак, улар уч ўлчамли, ҳажмли ҳамда қўшма ва бундан ташқари, табиийки, жисм акциденцияни қабул қилиш хусусиятига эга бўлгани учун акциденция ўз ўрнини топади.

Мотуридий акциденцияларга оламнинг бўлинмас, энг жузъий элементи сифатида қарайди. У мұтазилийларнинг акциденцияларга жуда катта мустақиллик берганликда айблади. Унинг бу қараши кейинги асрларда Абу Шакур ас-Салимий (11 асрнинг иккинчи ярми), Абу Йўс ал-Паздавий (в.1100 й.), Абул Мўян ан-Насафий (в.1114 й.), Сабуний (в.1187й.), Нажмиддин Насафий (в.1142й) каби мутакаллимлар томонидан ривожлантирилди.

Мотуридий «Тавҳид» китобида нафақат аъён ва аъроз ёки жавҳар ҳақида, балки «табойиъ», нарсаларнинг табиати (хоссаси) ҳақида ҳам гап очган. Унингча, бутун оламда «табойиъ» мавжуд. Ҳар бир жисмоний ибтидо (ойин), яъни хиссий сезги аъзолари ёрдамида ҳис килинадиган барча нарсаларда у мавжуддир. У бутун борлиқда бўлгани каби кичик олам бўлган (олами сурғо) инсонда ҳам бор. Мотуридий инсон ўқл ва табойиъдан ташкил топган, дейди. Бироқ

табойиънинг инсонда жамланиши уларнинг хизмати эмас. Уларнинг хоссаси аслида бир-бирига интилиш эмас, аксинча, бир-биридан қочишидир. Улар қарама-қарши кучлардир. Шу ерда табойиъ ҳакида натурфайлсуфлар (асҳоб ат-бойиъ) «табойиъ (хоссалар) оламдаги бутун мустақил ривожланиш жараёнини бошқарадилар», - деган даъво ҳатолигига эътибор қаратадилар. Коида бўйича, уларнинг бирини иккинчиси устига кўйсанг улар бирикиш ўрнига, ўз табиатига кўра, бири иккинчисини итаради ва қарама-қарши ҳаракатда бўлади. Шундай экан, улар бутун космосдаги тартиботни издан чиқариб юбориши керак эди. Демак, оламдаги тартиб ва мунаzzамлик ташки сабабнинг борлигига далолат қиласи. Бу ташки сабаб қудратли яратувчиидир. У табойиъларни, яъни хоссаларни яратди. Жисмларни, моҳиятига кўра, ўзига қабул қилиши мумкин бўлмаган хоссаларни қабул қилишга мажбур қилди. Яратувчи ўзининг яратилмаларини уларнинг ўзаро ички қарама-қаршиликларига қарамай, бир-бирлари билан қовуштиради ва улардаги ўзгаришларнинг тартибли ҳамда мақсадли равишда амалга ошишини назорат қиласи.

Мотуридий «Таъвилот» китобида Тангрини билишининг икки йўли ҳакида гапиради:

1. Тангрини унинг яратилмалари орқали билиш мумкин, чунки ҳар бир яратилмани ижод қилганда, Ўзининг илми, ягоналиги ва яратилмани шунчаки эмас, балки муайян мақсад билан яратганига ишора килувчи аломатлар қолдириган.

2. Пайғамбарлар орқали билиш мумкин.

Биринчи мулоҳаза ҳар бир мусулмон олимига хос. Зеро, Аллоҳни шу тарзда билиш йўли Куръони каримда айтиб қўйилган. Муаммо бошқа нарсада. Олам Аллоҳ томонидан яратилганинг ишоралар шунча кўп экан, инсон қандай тарзда уларни илғаб олади? Бу масалада инсонга Аллоҳнинг ёрдами қанчалик зарур? Бу ерда гап мантикий фикрлашга рухсат борми - йўқми, шу устида кетмокда. Мотуридийгача ҳам бу масала долзарб бўлган.

Мұтазилийлар Аллоҳни билишда мантикий тафаккурнинг устуворлигиғо ясина ҳимоя қилганлар. Ашъарийлар инсон тафаккурининг шаклланишида вахийнинг мақомига алоҳида эътибор қараттанлар. Ашъарий Аллоҳни исбот талаб килмас далиллар орқали, айниқса, Куръони карим орқали билиш мумкин, деб хисоблади ва Аллоҳни танишда, аввало, инсонга вахий ёрдами кераклигини таъкидлайди. Мотуридий эса оламни ақлий-мантикий ёндашиби ва пайғамбарлар маълумотлари орқали билиш мумкинлигига ургу берди. Унингча, мантикий тафаккур эзгулик ва ёвузликни бир-биридан фарқлаш, Яратувчининг мавжудлигини исботлаб беришга қодир. Аллоҳни вахий ёрдамисиз, ақл билан билиш мумкин. Мотуридий бу билан ҳар бир инсон Аллоҳнинг борлиги ва ягоналигини табиий йўл билан билиш мумкинлигини назарда тутади. Бироқ буни мұтазилийларга ён бериш деб тушунмаслик керак. Бу масалада Мотуридий

ҳанафийларнинг анъаналарига суюнган ҳолда фикр юритади. Ҳанафийлар ҳамиша Аллоҳни табиий йўллар билан билишга чақирғанлар. Масалан, Абу Ҳанифанинг илк шоғирдларидан Абу Муқотил ўзининг «Китоб ал-олим» асарида факат накллар билан чекланниб колмасдан, инсон устакил равишда нима тўғрию нима нотўғрилигини фарқлай билиши лозим, деб кўрсатган. Макхул Насафийнинг ёзишича, «ҳеч ким ваҳийдан яхши хабардормаслигини рўйақач қилиб, ўзининг эътиқодсизлигини оқламаслиги керак. Чунки Аллоҳ пайғамбарларни ҳидоят учун юборишдан ташқари, Ўзининг мавжудлигини кўрсатадиган далиллар (хужжатлар), яъни оятлар, мисоллар (ибратлар), инсоннинг заиф мавжудот эканлигини кўрсатувчи тушунтиришлар ва инсон ҳолининг ўзгариб бориши конуниятлари (ат-таҳвил мин ҳал ила ҳал) билан таъминлаган. Биз Аллоҳни сезиларимиз билан кўра олмасак-да, Уни ваҳийдан келиб чикиб билишимиз учун бизга акж берилиган».

Илгари ўтган илоҳиётчиларнинг барчаси яратилмаларни аклий-мантикий ўрганиш орқали Яратувчини идрок этиш мумкин, деган бўлсалар-да, бунинг исботи устида бош қотирмаганлар. Мотуридий бу масаланинг шу томонига жиддий эътибор берди. Унгача бошқа олимлар кўринувчи (шоҳид) моддий борликдаги ҳар бир нарса кўринмайдиган (ғайб олами)-илоҳий борликда ўзига айнан бўлган нусхасига (мисл) ёки бошқача айтганда, ўзига ўҳшаган (назир) нарсага эга деб хисоблаганлар. Шу тарика улар бу икки борлиқ ўртасига ўҳшашлик тортишига ҳаракат қилганлар. Бу хато фикр эди, чунки бундай ҳолатда барча табиий ва ҳис этиладиган нарсалар «асл»га айланиб, кўринмайдиганлари уларнинг ҳосиласига-«фаръ»га айланиб қолган бўлар эди. Ҳақиқатда эса бунинг акси бўлиши керак. Зотан, моддий олам Аллоҳнинг яратилмаси сифатида ихтиёrsиз ва мустакил эмаслигини диний ҳужжатлардан биламиз. Демак, унинг асли, яъни Аллоҳ унга қарама-қарши равишида мустакил ва алоҳидадир. У мавжуд ва оламни бошқаради. Нимаики нусхага (мисл) эга бўлса, демак, унинг иккинчиси бор, деб тушуниш мумкин. Иккита дейилдими, демак, у сон категориясига тегишли бўлиб қолади. Аллоҳ эса ягонадир, санокдан ҳолидир. Куръони каримда (42:11) айтилишича, Унинг мисли (ўҳшаши) йўқдир (лайса ка-мислиҳи шаи) Уни билишнинг моҳияти шундаки, биз Уни Унинг яратилмаларига қараб биламиз. Бизнинг билимимизнинг чекланганлиги Унинг комил илмли эканлигига далолатдир. Бизнинг турфа хиллигимиз эса Унинг ягоналигини кўрсатади. Бизнинг чекланган вакъда яратилганлигимиз Унинг абадийлигини исботлайди. Ҳатто оламдаги бирбирига қарама-қарши нарсаларнинг ўзаро таъсирда мустакил кудратга эга эмаслиги Парвардигорнинг кудратига далиллар. Кўриниб турибдик, Мотуридийнинг мулоҳазаси ваҳдат муаммосига бориб тақалмоқда. Бунда олимнинг илоҳиётидаги неоплатончиларча метафизиканинг таъсири сезилади. Ислом файласуфларидан ал-Киндийнинг асарларида шундай фикрлаш устувор бўлган. Улрих

Рудолф Мотуридийга ал-Киндийнинг шогирди Абу Заид ал-Балхийнинг таъсири бўлган бўлиши мумкин, деб тахмин қиласди.

Ваҳдат масаласидаги баҳсларида илгаридан ислом илоҳиётчиларига яхши маълумлигини айтиб ўтиш жоиз.

Жаҳм б. Сафвон қарашларида неоплатончиларнинг таъсири бўлган (Frank R.M. The Neoplatonism of Gahm Ibn Safwan FFLe Museon N 78, 1965. pp. 395-424). Чунки юон файласуфлари асарларида Биринчи Сабабнинг оламдан алоҳидалиги ва уни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмаслиги ҳақида муайян фаразлар берилган. Бу, айниқса, неоплатонизмда яққол кўринади. Улар ягоналик-ваҳдатни сон бирлигига кўрмаслик, унга таъриф берадиганда унинг мутлаклиги ва ўзига боғлиқ нарсаларга нисбатан эркин муносабатда бўлишига эътибор беришни тарафдорлариdir. Арифметик бирликдан қочиши Плотинда яхши ёритилган. Унинг мутлак ва нисбий бирлик ҳақидаги фикрлари Прокл асарларида янада муфассал кўрсатилган. Маълумки, Проклнинг неоплатоник метафизикасига оид асари IX асрда икки таржима орқали ислом олимларига яхши таниш бўлган.

Мотуридий Самарқанддаги Моний таълимоти тарафдорларининг дуалистик қарашларида қарши қалом баҳсларида Аллоҳни билишининг уч йўлига суннади. Булар, энг аввало, накллар, хабарлар, ундан сўнг мантикий мулоҳазалар (далолат ул-акл) ва ниҳоят, хиссий сезги аъзолари қабул қилган таассурот, олимнинг ўзи айтганча, яратилмалардан таъсирланишининг далолати (далолат ал-истиддол би – л – алқ).

Мотуридий Аллоҳ тавҳидини тушунтирища накл ва ақлнинг муҳимлигини куйидагича исботлайди:

1. Наклларда айтиладики, ал-Воҳид ҳамиша инсон учун Аллоҳ тимсоли бўлган. У фақатгина улуғлиқ (азамат), хукмдорлик (султон), олийлик (рифъат) ва афзаллик (фазл)ни белгилабгина қолмай, балки барча нарсаларнинг асоси, ўзи битта бўлса-да, аммо кўпликнинг асоси (касрат ичиди ваҳдат) сифатида эътироф этилади.

2. Наклларда событки, фақат битта Тангри ваҳий орқали ўзини ошкор этган. Бошқа илоҳ борлигини исбот қилган ва ундан хабар келтирган бирорта пайғамбар ҳам, бирор-бир далил-аломат ҳам йўқ.

3. Агар бошқа илоҳ бўлганда эди, ўзининг яккаю-ягоналигини эълон қилган Аллоҳга қарши қўзғалган бўлар эди ва ваҳдат ҳақидаги ваҳийнинг туширилишига тўқсинглик қилган бўлар эди. Бу нарсанинг содир бўлмагани Яратувчи — Парвардигор фақат битта эканлигини исботлайди.

4. Агар икки илоҳ мавжуд бўлса, мантиқан, ақл нуктаи назаридан қараладиган бўлса, улар бир-бiri билан рақобатлашиши керак (тамону). Чунки зўрлар ҳамиша яккаҳоқимликка интилади, подшоҳлар бунга яхши мисол. Илоҳлар ҳам, мантиқан, ўз ҳокимиятини ўрнатишга тиришади ва бу йўлда бири иккинчисининг режаларини чиппакка чиқаришга ҳаракат

қилади. Бизга маълум оламни яратиш ишини рақобат мұхитида шундай мүкаммал ва муназзам равища тутатишининг мантиқан имкони йўқ. Демак, Парвардигор — битта.

5. Бизнинг тасаввуримизга Тангри иккита деган фараз сифмайди, чунки агар икки илоҳ мавжуд деб тасаввур қилинганда, бири иккинчисининг ижодини ўзлаштириши ёки бекитиши табий.

6. Юқоридаги мулоҳазадан келиб чиқиб шуни айтиш мүмкінки, оламдаги барча жараёнлар (фасллар алмашинуви, Қоёш, Ой ва юлдузлар ҳаракати) ягона тартиб-интизом (тадбир) асосида амалга ошади. Бундай ягона марказлашган тартиб фақат бир раҳбар етакчилигига ўрнатилиши мүмкін.

7. Оламни кўплаб хилма-хил ва бир-бирига қарама-қарши таъсир кўрсатувчи нарсалар ташкил этади. Уларнинг уйғун ҳолда фаолият кўрсатиши Ягона Худонинг иродасини кўрсатиб туради.

8. Биз сезадиган ва хис этадиган барча, беистисно, конкрет нарсалар жисм дейилади. Жисмлар хоссалардан—табоиълардан ташкил топганки, уларнинг хусусияти бир-биридан қочиш ва қаршилик қилишдир. Уларнинг бир муназзам бутунликка уйғун ҳолда бирикуви комил илм, чексиз курдат ва лутф ҳамда ҳикматга эга Аллоҳ томонидан назорат қилиб турилишини кўрсатади.

Мотуридий келтирган далиллардан қуйидаги икки асосий хуносани ажратиб олиш мүмкін.

1. Олим «тадбир» концепциясини, яъни илоҳий бошқарув ва олдиндан ўйлаб қилинган иш мулоҳазасини ўртага ташламоқда. Аллоҳнинг ишлари (афъол) тартибли ва олий даражада мақсадга йўналтирилган. Демак, бу ишларнинг бошида рақобатлашувчи илоҳлар эмас, биргина Аллоҳ туради ва У Ягонадир.

2. Бирдан ортиқ илоҳ бўладиган бўлса, унда улар бир-бирига қаршилик кўрсатиши керак (таману) ва бу рақобат оламнинг яратилишидаги ижодкорликка тўскинлик қилиши турган гап. Демак, Аллоҳ ягона ва умумий ҳукмдордир.

Мотуридий ушбу мулоҳазалари билан Куръони карим сураси оятларида (27:59-63, 21:22, 17:42, 23:91) айтилган фикрларни шарҳлайди. Христианлар ҳам юнон стоикларидан шунга ўхшашиб илоҳий бошқарув ҳақидаги фикрларни ўзлаштирган эдилар. «Тадбир»-режали бошқарув, «Тамону»-рақобат тушунчалари IX асрдан бошлаб Жаҳиз, Абул Ҳузайл, Муҳосибий каби мутакаллимларнинг, X асрда Ашъарий, Табарий ва Мотуридийнинг асарларида, кейинги асрларда эса ҳар бир илоҳиёт билан боғлиқ асарда учрайди.

Бирок Мотуридийнинг «тадбир» концепцияси Ашъарий ва бошқаларникидан фарқ қилади. Ашъарийда «тадбир» эътиборли аҳамиятта эга бўлмай, «тамону» марказий ўринда туради. Сабаби, Ашъарийнинг олам ҳақидаги назариясида мустақил табойиъ ҳақида фикр умуман йўқ. Мотуридийда бор ва у ҳатто бошқарилади. Олам барча

жиҳатлари билан Парвардигорга боғлиқ. Шу билан бирга уларнинг барчаси табойиъ-хоссалардан иборат. Улар мустакил ҳаракат кучларига эга бўлиб, Аллоҳ томонидан тартибга солиб, бошқариб турилади.

Аллоҳнинг зоти ва сифатлари. Исломнинг илк даврида Аллоҳ инсонга ўхшашиб, кўл-оёқ, юз ва кўз каби аъзоларга эга, деган тасаввур устувор бўлган. Бундай фикрлашга Куръони каримда келтирилган. Аллоҳни кўриш ва эшитиш мумкинлиги (2:121-127;75:22) ёки унинг юзи борлиги (55:27), кўли борлиги (37:75), кўзи борлиги (54:14), Унинг курсида ўтириши (7:54 ва 20:5) каби оятларнинг зоҳирий маънолари сабаб бўлган. Уммавийлар даврида мусулмонлар христианларнинг тавҳид масаласидаги қарашларига, ётсираш билан бўлса-да, эътибор қаратгандар. Муайян вакт ўтиб, ислом дунёсига юони ва ҳинд фалсафасининг кириб келиши тавҳид масаласига қизиқишни кучайтирганини эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Аллоҳнинг Куръони каримда берилган тавсифларини қандай тушунмок лозим, деган масала уламолар орасида баҳсларга сабаб бўлган. Асосий баҳслар Аллоҳнинг зоти—моҳияти ҳакида бир қарорга келиш, унинг ишларини қандай тавсифлаш атрофида олиб бориларди. Шу тариқа калом илмининг бош масалаларидан бўлмиш Аллоҳнинг зоти ва сифатлари ҳакидаги муаммо пайдо бўлди. Мұтазилийлар биринчилардан бўлиб бу гоя атрофида баҳслар юрита бошладилар. Уларга қарши кўтарилиган олимлар гурухи кейинчалик аҳли ат-ташбих, зоҳирийлар ёки мушаббиҳалар деб аталди. Уларнинг йирик вакили Довуд ибн Али ал-Исфаҳоний (в.883) бўлиб, у ва унинг издошлари мұтазилийларга қарши муросасиз позицияда турганлар. Баъзи адабиётларда келтирилишича, улар шиалар бўлиб, имомларга илоҳий мақом бериш учун шундай ғоялардан манфаатдор эдилар. Бу масалада шиаларнинг муғирийлар, мансурийлар ва хаттобийлар каби гурухлари анча фаол эди. Суннийлар орасида Аллоҳ сифатлари борасида бир неча рисолалар яратилган бўлса-да, ҳануз аниқ назария ишлаб чиқилмаган, аммо бунинг учун етарли замин яратилган эди. Айниқса, Абу Мутиънинг «Фиқҳи абсат» асарида бу масала кенг ёритилган. Абу Мутиъ кўра, Аллоҳ ўзининг зотидан ташқарида бўлган бир неча азалий сифатларга эга. Аллоҳ амри унинг ирова, кучи қудрат, олимлиги илм, маликлиги (хукмдорлиги) мулк сифатлари билан белгиланади. «Ғазаб» ва «ризо» ҳам Аллоҳ сифатларидандир. Абу Мутиъ ўз фикрларини «биз уни Ўзи Куръонда тавсифлаганидек тавсифламоқдамиз», - деб далиллаган. Шу билан бирга, Унинг сифатларини инсондаги сифатлардек талкин қилишини қоралаган. Имом Аъзам-Абу Ҳанифанинг ўзи йўл-йўлакай билдирган мuloҳазаларни ҳисобга олмаганда, бу масала устида муфассал тўхтамаган. Абу Мутиънинг Абу Ҳанифа сўзларини

дастак килиб гапиришидан, буюк мазхаббоши ҳам шу фикрларни қўллаб-қувватлагани аён бўлади.

Ҳанафийлар Аллоҳнинг барча сифатлари азалий ва улар яратилмаган, Аллоҳ яратиш жараёнигача ҳам Яратувчи эди (лам язал холиқан), деган мавқеда турғанлар. Карромийларнинг фикрлари ҳанафийларнига яқин эди. Ибн Карром биринчилардан бўлиб Аллоҳнинг барча сифатлари, истисносиз, абадий деб эълон қилди. Бу назария карромийлар томонидан янада чуқурлаштирилди. Сифатлар Аллоҳнинг зотига (зотий) ва ижодий фаолиятига (феълий) алоқадор сифатларга ажратилди.

Зотга алоқадор абадий сифатлар — бу «иљм» ва «кудрат»дир. Яратиш билан боғлик сифатлар орасида ўзгарувчанлик бор. Масалан, яратиш (холиқия) илоҳий сифат бўлиб, у - абадий. Шунинг учун Аллоҳни азалий Холиқ деймиз. Яратиш жараёни эса (халқ) вакт доирасида рўй берганни учун (ҳодис) абадий бўла олмайди. Уни акциденция (ъароз) деб аташ мумкин, чунки у ҳаракат пайти рўёбга чиқади. Бошқа барча ҳолатларда сифатлар абадийдир. Унинг замондоши X аср бошида яшаб ижод этган Макхул Насафий ўзининг «Ар-Радд ъала ахл ал-бидат» (Бидъат ахлига рафия) китобида уларнинг фикрларини қўллаб-қувватлайди. У жаҳмийларга қарши баҳс олиб борар экан, Аллоҳнинг барча сифатлари азалийдир (ва хува би жамиъи сифатиҳи холиқун азалийун), унинг фаолияти (афъол) ва сифатлари азалий, инсон фаолияти ва сифатлари яратилгандир, дейди.

Мұтазилийлар сифатларни зотий ва феълий сифатларга ажратишга ва уларни абадий дейилишига қарши чиқдилар. Уларнинг фикрича, зотий сифатлар деб номланган «ҳаёт», «кудрат», «иљм»нинг табиий қарама-қарши қутблари, антонимларини Аллоҳга нисбат беришнинг иложи йўқ. Демак, зотий сифатлар Зот дегани эмас ва улар Зотга тааллукли бўла олмайди. Феълий сифатлар ишқ, хоҳиш, ирода, нутқ, мурувват, адолат, яратиш кабилар қайсиидир маънода ўз обьектига алоқадор, аммо улар на зотий ва на абадийдир. Феълий сифатлар ҳаракат амалга доир сифатлардир, улар бор-йўғи аърозий (акцидентал) ёки имконий сифатлардир.

Шунга биноан, Аллоҳнинг барча сифатлари Унинг зотидан алоқидадир. Аллоҳ сифатлари Унинг азалий зотига қўшилмаслиги керак. Улар илоҳий моҳиятнинг кўринишларидир. Масалан, Аллоҳ ҳамиша олим бўлган дейиш, Унга қўшимча илм сифатини қўшиш мумкин, дегани эмас. Чунки Аллоҳ бунга муҳтоҳ эмас. Мұтазилийлар илоҳий бунёдкорликни Унинг абадий зотидан кескин фарқлаш лозимлигини таъкидлаганлар, чунки Аллоҳнинг тури амалларни бажаргани вактинчадир ва улар Унинг ўзгармас зотига хос бўла олмайди. Уларнинг ўрни Аллоҳдан ташқарида. Масалан, яратиш жараёни (халқ) Аллоҳдан ташқарида амалга оширилган. Бу жараён натижаси маҳлук, яъни вакт доирасидаги яратилмадир.

Мұтазилийларнинг Аллоқ зоти ва сифатлари борасидаги фикрлари каттық баҳсларни көлтириб чыкарди.

Хулас, сифатлар масаласыда Мотуридийгача бўлган суннийларнинг қарашлари кўйилдаги уч кўрининида жамланади:

1. Аллоқ илм ва қудрат каби зотидан алоҳида, ўзининг зоти билан бир хил бўлмаган сифатларга эга.

2. Бу сифатлар инсондаги сифатларга айнан эмас, уларни инсонларнидек мажозан талқин қилиш мумкин эмас.

3. Улар Аллоҳнинг зоти каби ибтидосиз ва азалийдир.

Ушбу тамойилларнинг у ёки бунисини эътироф этган турли диний йўналишлар бўлган. Бироқ ҳанафийлардек учовуни ҳам тан олган мазҳаб бошқа учрамайди.

Ҳасрга келиб, Хуросонда Каъбий томонидан мұтазилийларнинг эски ақидалари қайтадан кўтариб чиқилгани сифатлар муаммосини яна долзарб муаммога айлантириди. Каъбий ҳанафийларнинг зотдан ташқари сифатларнинг мавжудлиги, сифатларнинг мажозий талқин қилиш мумкин эмаслиги ва Аллоҳ сифатларининг барчаси абадий эканлиги ҳақидаги қарашларини рад эта бошлади. Мовароуннахрда унинг таълимотига карши чиққан илк олимлардан бири Мотуридий бўлди. У ўзигача бўлган ҳанафий мутакаллимларнинг назарияларини тартибга келтирди ва янги босқичга кўтарди. У ўзининг «Тавҳид» асарида Каъбий мuloҳазаларидаги Аллоҳнинг яратиш жараёнидагина Яратувчи сифатини олгани ва Қуръони каримнинг вактда яратилғанлигиға яксини таҳлил қилиб, Аллоҳни вакт мұхитига киритиб кўйғанликда айблади.

Мотуридий Каъбий билан мунозарага киришар экан, ҳанафийларнинг сифатлар ҳақидаги таълимотини ҳимоя қилди, уни қайта асослади ва такомиллаштириди. Олим билишининг турли йўлларидан фойдаланса ҳам, кўпроқ мантикий тафаккур билан иш тутди. Бу унга ўз мuloҳазаларини талаб даражасида далиллашга ва тизимли асосда ўзининг сифатлар концепциясини илгари суришига имконият яратди.

Мотуридий гапни сифатларнинг биринчиси—«ихтиёр» масаласидан, аникроғи, Аллоҳнинг ихтиёрий танлов сифатидан бошлайди. Оlam йўқдан бор бўлган. У кўплаб ўзгарувчан ва қарама-қарши нарсалардан иборат. Улар инерция (бит-татб) тамойили бўйича бирга ҳаёт кечириши мумкин эмас. Аллоҳ уларни ўз хоҳиши бўйича бирлаштирган ва бир бутун ҳолатга келтирган. Демак, оламни яратишдан олдин Аллоҳ эркин ва ихтиёрга эга бўлган.

Аллоҳ оламни эркин ва ўз ихтиёри билан яратар экан, демак, у бошқа сифатларга ҳам эгалиги аён бўлади. У барча нарсаларни ўз ҳукми остида саклаб туриш учун «кудрат» сифатига эга бўлиши лозим. Оламни яратиш ва уни бошқариш учун У «ирода» сифатига эга бўлиши керак. Бундан ташқари, У оламни тасодифий нарсалар билан тўлдириб юбормаслик учун «мукаммал илм»га эга бўлиши шарт. Олам чукур ўйланган

ва муназзам-тартибли ҳолатга олиб келинган. Демак, унинг Яратувчиси—Олим. Мана шу мулоҳазалар абадий зотий сифатлар мавжудлигини исботлайди.

Феълий сифатларга келганда, ҳанафийлар уларни ҳам абадий деб қараганикларини биламиз. Мотуридий ўз фикрларини батафсил таҳлил қиласди: у ҳаракатнинг (феъл) эшитиш (самъ), кўриш (басар), қарам, шафқат (жавд) каби турли ҳолатларини бирма-бир кўриб чиқади. Албатта марказий ўринни тақвиян-ижодкорлик сифатининг таҳлилига бағишлайди. Бу масалада Мотуридий таҳлили Аллоҳнинг оламни яратишдаги ихтиёрийлигидан бошлади. Аллоҳ оламни ўзи хоҳлагандек яратдими, демак, Ўзи яратган ҳосила зотининг ифодаси эмас. Аллоҳининг бу ҳаракати (феъли) заруратан туғилмаган, балки Унинг хоҳиш-иродаси туфайли амалга ошган. Аллоҳ бу ишни хоҳдаган пайтда амалга ошириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам яратувчилик сифатини унинг зотида бўлмаган дейиш Уни яратилмалар билан тенглаштирилишига олиб келади. Моддий олам яратилмасдан олдин ҳам яратувчилик Аллоҳга хос сифат (вусифаллоҳу би-т-таквии фил-азали) бўлган.

Мотуридий илм ва қудрат сифатларининг ҳам зотий эканлигини атрофлича тушунтирган. Улар ҳам азалий ва абадий бўлиб, уларнинг ҳосилалари ҳам фақат вактда намоён бўлади.

Аллоҳ қаерда ўтиради ёки Уни кўриш мумкинми? Аллоҳ сифатлари ҳақидаги муаммолар, табиийки, Аллоҳ зоти ҳақида ҳам муайян хулосаларга келишини тақозо этарди. Илоҳий сифатларни инсонларникidek тасаввур қилиш, яъни уни мажозан талқин қилиш хотўғилиги ҳақидаги сунний мутакаллимларнинг таълимоти шу давргача Куръони каримда очиқ айтилган жисмоний аъзоларни қандай тушуниш керак деган муаммони келтириб чиқарди. Агар Аллоҳ ўтираса, демак, унинг танаси ва андом-андозаси бор. Арш унинг муайян ўрни борлигини билдиrsa, унда Аллоҳ фазода чекланган, деган фаразлар пайдо бўлди. Мутакаллимлар айниқса, икки масалага қониқарли жавоб беришлари лозим эди. Биринчиси нариги дунёда Аллоҳнинг юзини кўриш масаласи эди. Куръони каримда (Киёмат сураси, 23-оят) айтилган мазмунга мувофиқ маҳшар куни инсонлар Аллоҳ юзига боқиб турадилар (ила раббиҳа назиратун). Буни Унинг юзини кўриш деб ҳам тушуниш мумкин. Аммо бундай деб таъкидлашга ҳеч ким ботина олмасди. Сабаби Куръони каримда (Анъом сураси, 103-оят) «Кўзлар уни идрок этмас» дейилган.

Иккинчиси Аллоҳнинг Аршда ўтириши масаласи эди. Куръони каримда (69:17,39:75, 40:7, 7:54) буни тасдиқловчи хабарлар бор. Айни шу тасдиқлар мутакаллимларни оғир аҳволга туширади. Зоро, бундан Аллоҳ жисмга ва андозага эга деган фикрлар туғиларди. Хурросон ва Мовароуннаҳр ҳанафийлари бу масалаларга унча эътибор бермасдилар. Бу мавзу Абу Мутиъ қарашларida аста-секин бош кўтарила бошлаган. Абу Мутиъ Аллоҳнинг арши осмонда эканлиги

ғоясини ўртага ташлаган. Бу фикрга ҳадис воситасида ва мантиқан мұлоҳаза қилиш орқали келган. Ривоятта кўра, аъробий ўзининг мусулмон жориясини озод этмоқчи бўлиб, уни имтиҳон учун Расууллоҳнинг ёнига келтиради. Расул айтди: «Мусулмонмисан? У жавоб берди: «Алҳамдулилоҳ». Шунда сўради: «Аллоҳ қаерда?» Аёл осмонга ишора қилди. Шунда Расууллоҳ: «Уни озод эт, у дарҳақиқат мусулмон экан», - деди.

Абу Мутиънинг иккинчи мантиқий далили шундан иборатки, Аллоҳ «аъло» сифати билан тавсифланади, чунки тубан (асфол) сифати ҳеч қаочон илоҳий моҳиятга тўғри келмайди. Аъло—юқори демак. Шундай экан, Аллоҳ юқорида, осмондадир.

Абу Мутиънинг фикрлари Ибн Карром томонидан янада кенгайтирилди. Унинг издошлари эса бу масалада жуда чукурлашиб, ҳатто «Худонинг сочи, тирноклари бор» дейишгача бордилар. Ибн Карром Аллоҳни бир жойда кўрмокчи бўлган бўлса, Нажжор уни бирданига ҳар жойда деб тасаввур қилди.

Хуллас, IX асрнинг охирларида Макҳұл Насафий мусулмонларни Аллоҳга қиёфа беришга ўта берилиб кетишида танқид қилиш билан мутакаллимларни рухлантириди. Ҳаким Самарқандий ўзининг «Китоб ас-Савод ал-аъзам» асарида карромийларни Аллоҳни инсонга ўхшатишида айблаб, кескин танқид қилди. Муътазилийлар ҳам жонландилар. Баҳслар кизиб кетди. Мотуридий ушбу масалада ўзидан олдингиларнинг тасаввурларини таҳлил қилди ва ўзининг ечимини эълон қилди. Аллоҳга инсон қиёфасининг берилиши уни жисм деб ҳисоблашга олиб келар эди. Мотуридий бошқа мутакаллимлар сингари Аллоҳни жисм дейишга қарши чиқди. Ҳанафийга хос Қуръони каримга суюниш ва мантиқан фикр юритишга чақирди. Унинг асосий ҳуросалари қўйидагича янгради: Аллоҳ маконга эга дейилиши мантиққа зиддир, чунки Аллоҳ маконни моддий оламда яратган. У бу жараёнгача ҳам мавжуд бўлган ва шунинг учун у бундан мустаснодир. Охиратда жаннат аҳли Аллоҳ юзини кўриши мумкин, аммо унинг қандай тарзда амалга ошиши номаълум (би-ла мисал ва-ла кайфа).

Инсон амали. Калом илмидаги асосий масалалардан бири инсон амали масаласидир. Бу масала юзасидан жабарийлар, қадарийлар ва ҳанафийлар ўртасида анча тортишувлар бўлиб ўтган. Жабарийлар инсон ўз амалларида мустақил эмас, уларни Аллоҳ белгилайди деб ҳисоблаганлар. Аллоҳ амалларни яратади, демак, У инсон содир этган барча амаллар учун жавобгардир. Шунинг учун ҳам у кечиради. Ҳанафийлар жабарийларни Аллоҳни палид ишларга шерик қилиш ва уни инсонга хос бўлган нарсалар орқали тасаввур қилиш орқали Ҳудони ҳақорат қилишида айбладилар.

Қадарийлар эса, аксинча, барча амалларни инсоннинг ўз бўйнига юкладилар ва Аллоҳ уларнинг амалларида иштирок этмайди, деган тезисни илгари сурдилар. Ҳанафийлар уларнинг қарашларини ҳам «куфр» деб

топдилар. Ҳанафийлар ўртача йўлни ташладилар. Жабарийлар Аллоҳ яхши-ёмон амалларни яратади деганда ҳақ ўлсалар, инсон ўз амаллари учун ўзи жавоб бериши керак деганда қадарийлар ҳақ эди. Ҳанафий мутакаллимлар бўйича, Аллоҳ инсоннинг истисносиз барча амалларини хоҳлайди ва тақдир қиласи, сўнг ҳукм қиласи (қазо), сўнг яратади (халқ). Инсон уларни амалга оширади (фөъл). Бунда эзгу ишларда у Аллоҳ ёрдамига суюниши (тавфик) мумкин, ёмон ишлар қисса Аллоҳ ундан юз ўгиради (хизлан). Шу ерда «иститоъа»—инсонларни бирор амалини қилишга қобилияти, яъни тоқати масаласи ҳам каломнинг қизғин баҳсларига айланганлигини айтиб ўтиш керак. Ҳанафийлар қобилият амал вактида берилади (мъал-фөъл), карромийлар эса Аллоҳ инсонга олдинроқ амалига яраша қобилият бермаса, инсон уни бажара олмайди, демак, иститоъа амалдан олдин берилиши керак (қабл ал-фөъл), дей мuloҳаза юритганлар. Абу Ҳанифа ва унинг издошлари инсон фаолият кўрсатаётганда икки қарама-қарши амалга қобилият ҳосил қиласи (ал-иститоъа ли-з-зиддайн) дейдилар. Мотуридий уни янада конкретлаштириб, калом илмига «ихтиёр» тушунчасини киритади. Мотуридий бўйича, амални бажаришда икки хил «иститоат (кудрат)» мавжуд. Биро инсонда табиий равишда олдиндан бўлади (қабл ал-фөъл). У инсоннинг саломатлиги ва кучига боғлик. Иккincinnisi эса амал пайти қиласи (маъ ал-фөъл) ва инсон шу ишни бажаришга турли воситалар билан қодирлик пайдо қиласи. Ана шу икки хил қодирлик ишнинг яхшиликка ёки ёмонликка бурилишига шароит тугдиради. Шу ўринда инсонга танлов ҳуқуки, ихтиёр берилади. Шу билан бирга, инсон Парвардигорга боғлик ҳолда амал олдида туради: инсоннинг табиий кудрати бўлгани билан унга иккincinni қодирлик (иститоъа), яъни шу ишни амалга ошириш учун шароит, имконият, бир сўз билан айтганда, восита бўлмаса, бу ишни амалга ошира олмайди.

Мотуридий таълимоти ҳақида равшан тасаввур ҳосил бўлиши учун унинг фояларини қўйидаги ихчам сатрларда кўрсатиш мумкин:

- Яхши ва ёмон амаллар Аллоҳ томонидан яратилган (жабарийлар каби). Аммо ёмон ишларни Ўзининг буйруғисиз, ризосисиз, мойиллигисиз ва ихтиёрисиз яратган.

- Инсон ўз амалини ўзи содир этади ва бунинг учун ё жазо ёки ажр олади. Бу Аллоҳнинг унга берган қобилиятига қараб бўлади. Агар бунга қобилияти бўлмаса, инсон ёмон амал қила олмаган бўларди.

- Жаннат ва дўзах азалдан бор. Улар ҳеч қачон йўқ бўлмайди.

- Аллоҳнинг сифатлари ва каломи азалий, яъни яратилмаган. Куръон шунинг учун ҳам яратилмаган, дейилиши шарт, инсон томонидан қироат қилиниши яратилган, дейиш мумкин.

- Пайғамбар шафоати — ҳақ.

- Имон кўп ҳам, кам ҳам бўлмайди.

- Билиш жараёни уч усул а) хис-сезги органлари; б) ақл билан назар солиш орқали; в) накл (ҳадислар ва диний ҳужжатлар орқали амалга ошади:

Масалан, оламнинг яратилганини диний хужжатлар тасдиқлайди, сезги орқали унинг сифатларини ҳис этади ва акл орқали хулоса ясайди. Масалан, Аллоҳ оламни чекланган вақтда яратганини Куръон тасдиқлайди. Демак, одамлар муайян вақтда дунёга келганинг ва аста-секин ривожланиб борадилар. Биз ҳис этиладиган нарсаларни (аъён) сезги аъзоларимиз ёрдамида сезамиз ва улар қарама-қарши томонларга эга эканлигини биламиз. Биз акл ёрдамида уларнинг турғунлик ҳолатида бўлиши ва ҳаракатта келиши сабаби борлигини аниқлаймиз. Демак, ақциденция (аъроз) абадий эмас ва жисм билан боғлиқдир.

- Шундай қарап Ашъарийда ҳам бор. Ашъарий буни инсон мисолида (нугфа, эмбрион ва ҳакоза босқичлар) кўрсатган.

- Аллоҳ инсондан кучи етмаган нарсани бажаришни талаб килмайди. Инсоннинг имконий кудрати чекланган. У тоқатидан ортигини бажаришга охиз.

- Аллоҳ амрларига риоя килиш фарздир. Жиноятчи қаттиқ жазоланиши лозим.

- Имон бошқа ва амал бошқа. Калимаи шаҳодатни тил билан айтган одам мусулмон бўлади, унинг қалбидаги икрорини Аллоҳга ҳавола қилмоқ керак.

- Инсон мустақил эмас, у ўзининг шахсий иштирокисиз доим ўзгариб боради. Унинг ихтиёри Бошқарувчи (Аллоҳ) кўлидадир.

- Вақт доирасида пайдо бўлган олам абадий бўла олмайди.

- Аллоҳ илм ва кудрат каби зотидан алоҳида, ўзининг зоти билан бир хил бўлмаган сифатларга эга.

Бу сифатлар инсондаги сифатларнинг айнан ўзи эмас, уларни инсонларнидек мажозан талқин қилиш мумкин эмас.

Улар Аллоҳнинг зоти каби ибтидосиз ва азалийдир.

Аллоҳ оламни яратища ихтиёрий бўлган. Аллоҳ оламни ўзи хоҳлагандек яратди. Аллоҳнинг бу ҳаракати (феъли) қатъий зарурият туфайли туғилмаган, балки Унинг ҳоҳиш-иродаси туфайли амалга ошиди. Аллоҳ бу ишни хоҳлаган пайти амалга ошириши мумкин эди. Шунинг учун ҳам яратувчилик сифатини унинг зотида бўлмаган дейиш, Уни яратилмалар билан тенглаштирилишига олиб келади. Моддий олам яратилмасдан олдин ҳам яратувчилик Аллоҳга хос сифат (вусифаллоҳу би-т-таквии фил-азали) бўлган.

- Яратилган олам Унинг зотининг ифодаси эмас. Олам Унинг зотидан ташқаридадир.

- Аллоҳ маконга эга дейилиши мантиққа зиддир, чунки Аллоҳ маконни моддий оламда яратган. У бу жараёнгача ҳам мавжуд бўлган ва шунинг учун у бундан мустаснодир. Охиратда жаннат ахли Аллоҳ юзини кўриши мумкин, аммо унинг қандай тарзда амалга ошиши номаълум (би-ла мисал ва-ла кайфа).

ХУЛОСА

Калом илми шариатнинг назарий қисмини ташкил этади ва ақидавий масалаларни тушунтиришни мақсад килиб кўяди. У динимиз тарихида фалсафий-диний фикрларни ўрганиш, ислом ақидаларига нисбатан ақлий-мантикий муроҳаза юритиш босқичларида алоҳида илм соҳасига айланган.

Мотуридийнинг калом илми ривожидаги ўрнини белгилар эканмиз, шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, у ўзидан олдинги калом илми натижаларини хulosалаган ва мавжуд турли таълимотлардан синтез йўли билан янги назарияни ишлаб чиқсан буюк илоҳиётчи олимидир. Мотуридий илмий меросини чукур ўрганган олмон олими Рудолф Улрих уни калом илмининг энг юксак намояндаси деган қарорга келган.

Унинг ёзишича, Мотуридий Мовароуннаҳрда илоҳиётшунослик тараққиётида бурилиш нұктасини белгилаб берди. Мотуридий ўша даврларда ҳанафийларга қарши чиқсан мұтазилия мактабининг намояндалари билан курашибина қолмай, балки Мовароуннаҳрда ҳануз ўз таъсирини йўқотмаган зардӯштийлик, монийлик динидаги «икки худолик» таълимотининг нотўғри эканлитини ишонарли тарзда исботлаб беришга уринди ва бу минтақада исломнинг ягона эътиқод манбасига айланishiага хизмат қилди.

Мотуридий таълимотида фалсафий истилоҳлардан фойдаланиш майли кучли (масалан, юончка «ousia» сўзи маъносида моя ёки жавҳар каби истилоҳлар). Шунингдек, инсон таърифи ёки Аллоҳнинг ягоналиги (тавҳид) масалаларида ҳам фалсафий муроҳадалар учрайди. Шу билан бирга, бу ҳолат фалсафа бу даврда жамиятнинг зиёли табақаси онг-шуурига анча сингиб қолганидан дарак беради. Улрих Рудолфнинг кўрсатишича, ҳанафийлар инсон ва Аллоҳ ўртасидаги муносабатларни ўрганишда мўътадил усулни ташлаш, турли фаразлар (ваҳий ва ақл, Аллоҳ ва инсон, Аллоҳ ва олам) ўртасида мантикий мутаносиблик бўлиши тарафдори бўлганлар. Мотуридий бу усулни давом эттирган ва тафаккурнинг ажralmas хусусиятига айлантирган. Бирок диний ҳукм чиқариш лозим бўлган ҳолларда турли хил жиҳатларнинг мутаносиб келиши тамойилини амалга киритган. Ушбу тамойил эпистемологияда билишининг уч йўли (хиссий идрок, нақулар ва ақл—мантикий тафаккур)нинг тенглигини кўрсатишида муттасил уринишларда намоён бўлади. Оламга тавсиф беришда эса жисмларнинг мустакиллигини уларнинг Аллоҳга тобеълиги билан ўзаро қандай боғлангани дикқатни ўзига жалб этади.

2-КИСМ. ЎРТА ОСИЁДА ТАБИЙ-ИЛМИЙ ВА ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ

2.1. Табиий-илмий ғоялар ва уларнинг эвристик аҳамияти

Ислом динининг Шарқ мамлакатларида тез ва кенг тарқалиши, унинг қадимги диний ва дунёвий анъаналарига хайриҳоҳлиги, ҳалқларни бир-бираға яқинлаштирувчи омиллар билан бевосита кизиқиши, яратилган маънавий қадриятлардан самарали фойдаланиш эҳтиёжи, қолаверса араб ҳалифалигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш зарурати илм-фан ва маърифатга бўлган муносабатда кескин бурилишлар яратди. Бағдодда ал-Маъмун академияси («Байт ул-хикма») таъсис этилди, кутубхоналар ташкил этиш, таржимонлик фаолиятига ҳомийлик қилиши ҳаракати авж олди, олам сирасоридан вокиф бўлиш иштиёқи илмий изланишларнинг муҳим жабҳасига айланга борди. Расадхоналар бунёд қилиш, математика, астрономия, физика, геодезия, тиббиёт каби соҳаларни тараққий эттириш муаммолари тарихий давр талабларига айланди. Шундай вазиятда ватандошларимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғонийлар ижод килдилар ва жаҳон илм аҳлига танилдилар.

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783, Хоразм-850, Бағдод) математик ва астроном сифатида жаҳон фанида ўзига хос ўрин тутади. У илк билимни Хоразмда олди. Отаси сарой аъёнларидан бўлган ва араб ҳалифаси аббосийлар сулоласидан Хорун ар-Рашиднинг ўғли Маъмуннинг Хоразмга ноиб этиб тайинлагани ҳамда ўзига тенгдош Муҳаммад Хоразмийни сафдошлари қаторига кўшганлиги ёш, бўлаҗак олимнинг тақдирида муҳим рол ўйнади. 809 йилда Хорун ар-Рашид вафотидан кейин унинг катта ўғли Амин таҳтини эгаллайди. 813 йилда ҳалифа Амин ўлдирилгандан сўнг Маъмун Бағдодда ҳалифалик таҳтини эгаллайди, ўз даврининг фозил-фузалоларига ҳомийлик қиласди. Ал-Хоразмий «Байт ул-хикма» («Илмлар уйи»)га раҳбар килиб тайинланади ва бу лавозимда умрининг охирига қадар жўшқин фаолият юритади.

Хоразмийга «Ҳисоб ал-хинд» («Ҳинд ҳисоби») рисоласи катта шуҳрат келтириди. Унда фан тарихида биринчи марта ўйлик тизими ва унинг амалий аҳамияти ҳақида сўз боради. Бу тизим инсониятга чексиз қулай имкониятлар яратиб берди. Агар мазкур саноқ тизими бўлмаганида илмий тафаккур бу даражада камол топиши амримаҳол бўларди. Хоразмий тўққиз белгидан иборат хинд рақами ёрдамида чексиз микдорларни қайд этувчи ва уни осонлик билан ифодаловчи саноқ тизимини кашф этди. Ҳинцларнинг тўққиз белгидан иборат рақамлар тизими яроқсиз ҳолда эди. Чунки бу рақамлар мукаммал саноқ тизими бўлиши учун нол кашф этилиб, ўз ўрнига кўйилиши керак эди. Алломанинг машхур ушбу рисоласида олти амал-кўшиш, айриш, кўпайтиш, бўлиш, даражага кўтариш ва квадрат илдиз чиқариш кабилар таърифлаб берилган.

Хоразмий маҳсус фалсафий асар ёзмаган бўлса-да, лекин унинг математика, география, астрономия, тарих каби илмларга оид барча китобларида илмий исботланган фалсафий фикр-мулоҳаза, ғоя, назария ва

таълимотлар сон-саноқсиздир. Унинг хуласаларига кўра, Аллоҳ томонидан яратилган дунёда ўз ҳолатини доимий равишда ўзгартирмай бирдай саклаб турадиган ҳеч қандай нарса ва ҳодиса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Моддий олам тинимсиз ўсиш, ўзгариш ва ривожланишадир. Унда нималардир янгидан пайдо бўлади, маълум вакт яшайди, кейин эса у ҳам эскира бошлайди ва пировард-оқибатда ўз ўрнини бошқа нарсага қонуний равишда бўшатиб беради. Эски нарса ўрнини янги, кулаётган нарса ўрнини туғилаётган нарса эгаллаши, алломанинг фикрича, табиий-қонуний жараёндир.

Хоразмий дунёдаги барча нарса ва ҳодисалар моҳиятида бир-бирини инкор этибина қолмай, айни пайтда бир-бирини ўзаро тақозо этадиган, бир-бирисисиз яшай олмайдиган икки кутб, икки қарама-карши томонлар мавжуддир, тараққиёт улар ўргасидаги ана шу диалектик бирлик ва кураш асосида амалга ошади, деб уқтиради. Ўзининг бу таълимотини математика фани далиллари асосида илмий исботлайди. Алломанинг дунё асосини, моддий негизини нима ташкил этади, деган масала бўйича фикрлари ҳам эътиборга сазовордир. Буюк аллома моддий негиз оламдаги барча нарса ва ҳодисаларнинг асоси, деб ҳисоблайди. Унинг уқтиришича, дунё тўрт унсур-тупрок, сув, ҳаво ва оловдан ташкил топган. Барча нарса ва ҳодисалар шу унсурлар бирликиши, ўзаро таъсири остида ҳосил бўлади.

Хоразмий ноорганик дунёдан органик дунёнинг, ҳиссиз, туйгусиз, фикрламайдиган дунёдан аклу идрок ва тафаккурсиз, фикрлаш имкониятига ўтиши, унинг моҳияти ва асосий сабаблари ҳақида ҳам ўзининг бебаҳо фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтган. Донишманд аллома чукур илмий далиллар асосида материя ва шакл, сабаб билан оқибат, имконият билан воқелик, миқдор билан сифат, жамият билан табиатни ажратиб бўлмасликни, улар доимо ўзаро таъкидлайди.

Муҳаммад ал-Хоразмийнинг билиш масаласига оид фикрлари ҳам эътиборлайдир. У оламнинг абдийлигини, унинг ниҳоятда мураккаблиги, доимий равиша ўзгариб ва ривожланиб туришини эътироф этади. Шу билан бирга, у бу оламни инсон сезгиси ва билимининг манбаи, деб билади. Унинг таъкидлашача, олам, жамият, улардаги нарса ва ҳодисалар моҳиятини билиш ниҳоятда мураккаб, зиддиятли жараёндир. Лекин инсон бу масалада ҳам битмас-туганмас имкониятта эгадир. Инсон ўзининг тиришқоклиги, меҳнати ва амалий фаолияти, Аллоҳ ато этган акл-идрок, қобилият ва истеъоди билан дейди Хоразмий, дунёни секин-аста била боради.

Хоразмий ўзининг билиш назариясида моддий олам инсон, унинг сезгиси, акл-заковатидан олдин пайдо бўлган, инсон ва унинг акли эса моддий олам ривожининг маҳсулидир, дейди. Айни вактда у инсон билиши субъекти, табиат, жамият, умуман моддий олам эса унинг обьекти, деб билади. Хоразмий ҳиссий ва аклий билишининг ўзига ҳос хусусиятларини, моҳиятини, ўзаро алоқадорлигини алоҳида таъкидлайди. Унинг таъкидлашача, аклий билиш ҳиссий билишсиз вужудга келмайди, ҳиссий билиш борликнинг ташқи томонлари ҳақида билим бериш манбаидир. Аклий билиш ёрдамида эса инсон нарса ва ҳодисаларнинг мураккаб ички тузилиши, моҳияти ҳамда қонуниятини билиб олади. Аклий билиш инсон билиш

ривожининг юқори босқичидир. Аллома билишнинг айрим масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, билишда инсон ақли ва амалиётининг аҳамиятини юқори эканлигини кўрсатди.

Муҳаммад Хоразмий дунёқарашида ижтимоий-фалсафий масалалар, хусусан, жамият, унинг истиқболи ҳакидаги фикр-мулоҳазалари алоҳида ўрин эгаллайди. Жамият тараққиётида илм-фан ва маданиятнинг, одоб-аҳлоқнинг, ислом дини, шариат конунларининг самарали ўрин тутиши ҳакида аллома томонидан баён этилган фикрлар ҳозирги давр учун ҳам муҳим аҳамият касб этади. Одамлар ақл-идрок, имон-эътиқодини мустаҳкамлаш, руҳан поклаш ва кишилар ўргасидаги инсоний муносабатларни мустаҳкамлашда фан-маданият, диний қадриятларнинг муҳимлиги хусусидаги фикрлари таҳсинга сазовордир.

Ал-Хоразмийнинг яна бир буюк хизмати инсониятта алгебра фанини тортиқ қилганидир. «Алгебра» атамаси Хоразмийнинг «Ал-китоб ал-муҳтасар фи ҳисоб ал-жабр ва-л-муқабала» номидаги рисоласидаги «ал-жабр» сўзининг лотинча ифодасидир. Бу асар лотин ва Фарб ҳалқлари тилларига таржима қилинган.

Халифа Маъмун олимлар олдига осмон ва Ернинг тўлиқ ҳаритасини тузишни вазифа килиб белгилади. Бунга Хоразмий раҳбарлик қилди. 840-йиллар атрофида ниҳоясига етган бу иш «Мажмуи ал-Маъмун» - «Дунё ҳаритаси» номи билан юритилди. Шу муносабат билан Хоразмий географияга оид «Китоби сурат ал-арз» асарини яратди. У Кохирада топилган, анча вараклари йўқолган, 22 ҳаритадан атиги 4 тасигина сакланган. Ал-Хоразмий Ер юзини «Авесто» таълимотидек, 7 иклимга бўлиб ўрганишни тавсия қиласди.

Ал-Хоразмийнинг тарихга оид асарлари, хусусан, «Хоразмнинг машҳур кишилари» асари ва Абу Райхон Берунийнинг бу асардан тўртта кўчирма олғанлиги маълум. Бошқа бир асарида пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг туғилган йили, ой ва куни шамсий йил ҳисоби билан 570 йил 23 апрел эканлигини аниклаб, маълумот берган. Бу илмий далил барча мусулмонлар томонидан эътироф этилган. «Хоразмий ўз асарлари билан Шарқ, кейинрок Европа математика илмига асос солди» (С.Толстов). Жаҳон фани тарихи IX асрнинг биринчи ярмини ҳеч муболагасиз Хоразмий даври деб аташимиз мумкин.

Аллома Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг нодир асарлари, табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий гоялари ҳозирги авлод учун ҳам битмас-тутанмас хазина, бебаҳо маънавий бойликдир. Жаҳон илм аҳлининг 1983 йил Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг 1200 йиллигини зўр тантана билан нишонлагани, буюк ватандошимизнинг эътироф этилиши унга кўрсатилган чексиз хурмат ва эҳтиромнинг намунасидир.

Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Фарғоний VIII асрда ҳозирги Қува шаҳрида таваллуд топиб, илмий фаолияти даврини Бағдодда ўtkazgan буюк алломадир. Ал-Фарғоний ҳам ал-Хоразмий каби машҳур «Байт ул-хикма»да илмий фаолият билан машғул бўлган зотdir. Унинг туғилган йили номаълум, лекин унинг ал-Хоразмийдан 11 йил кейин, яъни 861 йилда вафот этганилиги тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Ал-Фарғонийнинг илмий асарларини жаҳон ва тарих тан олган. Улар кўплаб тилларга таржима килиниб, асрлар оша турли мамлакатларда нашр этилган, бинобарин, улардан олимлар оммаси баҳраманд бўлган. Унинг асосан олтига китоби дунёга маълум ва машхур. «Китоб фи усул илм аннужум», яъни «Фалакиёт илмининг усуллари ҳақида китоб» рисоласининг асл кўләзмалари матни бир хил бўлса-да, беш ном остида сакланмоқда, яъни «Алмажистийга багишланган фалакиёт рисоласи», «Фалак сфералари сабабияти», «Алмажистий (Птолемейнинг «Алмагест» асари), «Илм ал-хайя» «Фалакиёт илми» деб аталади. Бу кўләзмалар Англия, Франция, АҚШ, Марокаш, Миср ва Санкт-Петербургда сакланмоқда ва тадқиқотчилар диккат-эътиборидайдир. Асар 1145 йили Ионна Севил, 1175 йили Х.Кремон томонидан лотин тилига таржима килинган ва 1193, 1422, 1537, 1590, 1910 йилларда Гоол, Региомонтон, Шёнер, Христаман, Кампани каби олимлар томонидан Европанинг турли мамлакатларида чоп этилган. «Ал-Фарғоний жадваллари» асарининг кўләзмаси Хиндистонда, «Өй Ернинг устида ва остида бўлганица вақтни аниқлаш рисоласи»нинг кўләзмаси Қоҳирада сакланмоқда. «Устурлоб билан амал қилиш ҳақида китоб»ни хинд олимлари сақлаб келмоқдалар. «Етти иклим ҳисоби» асарининг кўләзмаси Олмонияда, «Устурлоб ясаш ҳақидаги китоб» кўләзмасининг тўртта нусхасини Берлин ва Париждан топиши мумкин. Уни 1919 йили Видеман немис тилида нашр этган.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, илмий асарлар, одатда, адабий асарларга караганда тезроқ эскиради. Улар тарихий-илмий қимматта эга бўлиб колишган-у, лекин қайта нашр қилиши тақозо этилмайди. Аммо ал-Фарғоний китоблари XII, XVI ва XX асрларда қайта-қайта чоп этилгани ниҳоятда ўлмас асарлар эканлигидан далолат беради.

Фалсафа ва табиатшуносликдаги энг муҳим масалалардан бири – олам манзарасини ҳам ал-Фарғоний ўзига хос тарзда фикран кўра олган. Унингча, осмондаги жисмларнинг барчаси, жумладан Қуёш ҳам умумий марказ Ер атрофида айланади, деб тасаввур қилиш мумкин. Ал-Фарғоний, ал-Хоразмий, Улубекларнинг фикр ва ҳисоб-китоблари ҳам шу таълимотдан четта чиқмаган, зотан, ўрга асрлар даврининг илм даражаси ва доираси шуни тақозо этар эди. Гелиоцентризмга, яъни бошқа сайёralар каби Ер ҳам Қуёш теварагида айланади, деган тизимга ўтиш учун ҳали бир неча аср бор эди.

Ал-Фарғоний шимол билан жануб орасидаги кузатувлар ҳар хил бўлади: жанубдан шимолга жўнаётган одам учун авваллари ботадиган ёритгичлар энди ботмасдан осмонда доимо кўринаётганини кузатади, шунингдек, жанубда авваллари чиқиб-ботадиган ёритгичлар, энди чиқмай қолади, буларнинг ҳаммаси маълум конунда рўй беради, деб ҳисоблайди.

У вақтларда эса олам саккиз қават осмондан: Куёш, Ой, бешта сайёра-Уторид, Зухра, Миррих, Муштарий, Зухал ва 1022 юлдуз сфера (гумбаз)дан ташкил топган, деб тасаввур қилинган. Ал-Фарғоний илм-фан тарихида биринчи бўлиб сфераларнинг радиусларини аниқлаб берди. Бу эса олам тузилишини илмий тасаввур этишининг муҳим воситасидир. Дарҳакикат, Ер ва юлдузлар сферасининг, яъни зодиакнинг марказлари Ер марказида ётади-ку, сайёralар сферасининг радиуслари турли йўналишидалиги учун бир нуқтада кесишмайди. Шунинг учун ҳар бир сайёранинг апогейи

(узоқлашгани), бинобарин, ҳаракатнинг секинлашуви бўлади. Ёргуликлари олиги хил бўлган барча юлдузлари бир хил ҳаракатдадир. Күёш икки хил: Шарқдан Фарбга ва эклиптика қутблари орқали ўтган ўқ атрофида айланади. Ой эса беш хилда ҳаракатланади. Ал-Фарғонийнинг фикрича, қутб баландлиги 90° бўлган жойда ва зенитдаги вакъта осмон экватори доираси горизонт доирага тўғри келади. У ерда осмон гумбазининг айланиси тегирмон тоши айланиси каби бўлиб, горизонтда параллелдир.

Осмон манзарасини гавдалантириб берадиган иккита «белбоғ» бор, улар осмон экватори ва Күёш эклиптикаси. Осмон экватори Ер экваторининг осмондаги давоми, улар бир текисликда ётади. Күёшнинг Ер атрофида кўринма (аслида Ернинг Күёш теварагида) ҳаракати натижасида чизилган траектория эклиптика деб аталиб, бир йилда тўла ёпиқ чизик айланани ҳосил қиласди. Экватор билан эклиптика текисликлари ўзаро доимий бурчакни ҳосил қиласди. Ал-Фарғонийнинг яна бир муҳим ютуғи шу бурчакни ўз замонасида 23 даражага-ю 35 дақиқа деб, бошқаларга қараганда (масалан, Птолемейда-23 даражага 51 дақиқа) аниқ белгилаганидир.

Ернинг катта-кичиликтини билиш учун унинг диаметрни, бинобарин, меридиан узунлигини ўлчаш ҳижоятда мураккаб назарий-амалий масала эканлиги аниқ эди. Ал-Фарғоний Ер ёйининг қайси узунлиги 1 даражага тўғри келишини ўлчаб, бу микдорни аниклади ва уни 360га кўпайтириб, 40 минг 800 километрни ҳосил қиласди. Ер меридианининг ҳозирги замон асбоблари ёрдамида ўлчанган узунлиги 40 минг 8 километр чамасидир. Ўртадаги хато ҳижоятда кам. Унинг ишига Беруний ҳам юкори баҳо берган эди.

Ал-Фарғоний Күёш Саратон бошида бўлганида кундузи 24 соатга тенг ва тун деярли бўлмайди, Жадий бошида бўлганда эса тун 24 соатга тенг ва кундузи кутби зенитда бўлади, эклиптиканинг ўзи эса горизонт доирасида ётади. Бу пайтда Амал боши шарқда, Мезон боши-ғарбда, Саратон боши-шимолда, Жадий боши-жанубда бўлади, деб таъкидлайди.

Ал-Фарғоний шуғулланган тақвим муаммоси ҳанузгача ечилгани йўқ. Йилнинг тўрт фаслдан иборатлиги, улар орасидаги муносабатларнинг жўрофий кенгламага боғликлиги (масалан, шимолий ярим шарда ёз бўлганида жанубий ярим шарда қиши бўлиши ёхуд Ўзбекистонда баҳор ва куз бўлганида экваторда икки марта ёз бўлиши ва аксинча, бизда ёз ва қиши бўлиши) маълум.

Кадимги замон ва ўрта асрларда Күёш ҳамда Ой йиллари, шунингдек, мусулмон мамлакатларида шамсий ва қамарий йил хисоблари, кабиса йилини чиқариш, йиллар, эралар бошланишини белгилаш масалалари фақат Күёш, Ой ва Ер ҳаракатларида ўзаро табий-ижтимоий ҳодисалар, чунончи, пайғамбар ва подшоҳлар ҳаётидаги воқеаларга ҳам боғлиқ бўлган.

Аммо бир сутка ва бир йилда оламнинг чархпалак айланисини ракамлар билан ифодалашда йилни сутка билан бутун сон ёрдамида ўлчаш ҳанузгача муаммолигича қолмокда. Ер Күёш атрофида 365 кун 6 соат 48 дақиқа 46 сонияда бир марта айлануб чикса, 6 соатда ҳар тўрт йилда 1 кун чиқаруб, бу кабиса йилни 366 кун деб осонлаштирилади, лекин барибир ўша 48 дақиқаю 46 сония муаммолигича қолягти. Бу ал-Фарғоний замонидан то

бутунгача ҳали ўз ечимини топмаган. Умуман, тақвим муаммосини ижобий ҳал этиш учун Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маҳсус комиссияси бир неча йилдан бери ишлashingа қарамай, ҳали бирор натижага келингани йўк.

Күёш ҳам, Ой ҳам чиқаётган пайтида катталашиб, ботаётган пайтида эса кичрайиб боради. Күёш ва Ой баркашларининг ўзи гоҳ катта, гоҳ кичик бўлиб кўринади: горизонда каттароқ, осмонда кичикроқ. Горизонтда турган Кўёш ва Ой орасидаги масофада Ердан кўтарилаётган буғ (айникса, киш фаслида ва ёмғирдан кейин) кўз нурини оғдиради. Бу ҳол сув остидаги нарсанинг чукурроқлигига қараб каттароқ бўлиб кўринишига сабабдир. Бу эса маълум нарсанинг ҳақиқий ҳолати билан кўринма ҳолати ўргасида тафовут борлигини кўрсатади.

Фаннинг асосий вазифаларидан бири вокелик ва ҳодисалар сабабияти ҳамда келажакда қандай бўлишини ифодаловчи қонун-коидаларни кашф этиш, яратишдир. Самовий жисмлар ҳаракатини И.Ньютон ва Лаплас масса ҳаракатининг динамикаси шаклида, Кеплер геометрик-клиноматик йўсинада изоҳлаб беришган бўлсалар, ал-Фарғоний эса ўз даврида жадваллар шаклида акс эттирган. Мазкур жадваллар воситасида олам манзараси мушоҳада қилинган, Кўёш ва Ойнинг тутилишлари олдиндан айтиб берилган.

Ал-Фарғонийни Ой нурини бошқа сайёралардан оладими ёки унинг ўзи бу нурнинг манбаими, деган савол қизиктиради. Унингча, Ой нурни Кўёшдан олади. Шу сабабли унинг Кўёшга караган томони ёруғдир. Агар Кўёш ва Ой бизга нисбатан бир томонда бўлса, тескари томони коронғу, агар улар бизга нисбатан тескари ҳолатда турса, Ойнинг бизга караган томони ёруғдир. Кўёш Ернинг ярмисини ёритади ва Ер сиртидан кайтаётган нур Кўёш билан бирга шарқдан гарбга айланади.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, асли ҳозирги Ўзбекистондан бўлган Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ибн Мұхаммад ал-Фарғоний каби буюк алломаларнинг илм-фан ривожига кўшган ҳиссаси бекиёсdir. Улар бошлаб берган илмий анъаналар Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбек, Али Қушчи ва бошқаларнинг табиий-илмий ҳамда ижтимоий-фалсафий қарашларининг шаклланиши ва камол топишига самарали таъсири кўрсатди.

2.2. Перипатетик фалсафа ва унинг Ўрта Осиё маънавий ҳаётига таъсири

Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, Мирзо Улугбек, Али Қушчи ва бошқаларнинг табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий идеалига назар ташлар эканмиз, улар дунёқарашига турткি бўлган омилиларнинг хилма-хиллигига гувоҳ бўламиз. Гарчанд қомусий аллома ва мутафаккирлар қадимги юон мумтоз шахслари Аристотел, Гален, Гиппократ, Сократ, Платон каби файласуф ва табиатшунослар анъаналарига мурожаат қилган бўлсалар-да, асосий мақсад исломий маънавиятни акл тамоилини ва қадимги илм-фан анъаналари билан мустаҳкамлаш эди. Бу мақсадни амалга оширишдә уларга Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад

ибн Мұхаммад ал-Фарғонийдан ташқари «биринчи араб файласуфи» Абу Юсуф ибн Исҳоқ ал-Киндий (801-872) ва әрнелик мутафаккир ва олим Абу Бакр Мұхаммад Закариә ар-Розий (865-925) ҳамда маҳаллий ва ҳинд фалсафий аңғаналарининг таъсири сезиларли бўлганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Лекин шунга қарамасдан, аллома ва мутафаккирлар дунёқарашининг шаклланишида қадимги юон файласуфларининг таъсири коят даражада сезиларлиди.

Абу Наср ибн Мұхаммад ибн Тархан ибн Узлуг Форобий – ўрта аср мусулмон Шарқининг машҳур мутафаккири, қадимги юон фалсафасининг энг йирик давомчиси ва тарғиботчиси 873 йилда Сирдарё қирғогидаги Фороб кишилғида туғилган. Баъзи манбаларга қараганда, Форобий ота-оналари билан биргаликда ўша даврда араб халифалигининг пойтахти, бутун Шарқнинг иқтисодий, илм-фан ва маданият маркази ҳисобланган Бағдод шаҳрига кўчиб кетган. Бўлгувчи олим бу ерда араб ва христиан олимлари кўмагида илм соҳаларини әгаллади, кўпина тилларни ўрганди. Натижада қадимги Юон табиий-илмий ва фалсафий меросидан боҳабар бўлди, жумладан мантиқ, фалсафа, астрономия, математика, тиббиёт, мусиқа каби йўналишларда машҳур бўлди.

Форобийнинг ҳаёти азоб-укубатлар, моддий стишмовчиликлар шароитида ўтди. Баъзи муаллифларнинг берган маълумотига қараганда, комусий олим ва машҳур мутафаккир Дамашк шаҳрида боғбонлик қилиб кун кечирган, кечалари эса ўзининг севимли машғулоти – асарлар битиши билан банд бўлган. Форобий 950 йилда Дамашкда вафот эттади.

Форобий қадимги юон илм-фанининг билимдони сифатида бурунги муаллифлар асарларига турли ҳажмдаги шарҳлар ёзди. Арастунинг «Метафизика», «Физика», «Метеорология» ва мантиқ соҳасига оид китобларига, юон муаллифлари Птолемей, Александр Афродизияли, Порфирий ва бошқаларнинг ахлоқ-одоб, психология, табиий фанлар бўйича яратган илмий рисолаларига шарҳлар ёзган. Шу билан бир қаторда олим юон файласуфлари тўғрисида беҳад қизиқарли асарлар яратган. Бунга мисол тарикасида «Икки файласуф-Арасту ва Галеннинг барча фикрлари тўғрисида китоб», «Арасту ва Гален ўртасида воситачилик» ва бошқаларни кўрсатиши мумкин. Лекин Абу Наср Форобийни қадимги муаллифларнинг оддий шарҳловчиси сифатида талқин этиш адолатдан эмас, албатта. У илм-фанининг турли соҳаларига таалукли оригинал асарлар яратган. Форобий «Фалсафа манбалари», «Мантиқ илмига кириш», «Масалалар манбай», «Субстанция», «Давлат тўғрисида рисола», «Фалсафани ўрганишдан аввал нималарни ўрганиш лозим», «Фалсафий масалалар ва уларга жавоблар», «Ақл ҳакида рисола», «Фозил одамлар шахри» каби 160 дан ортиқ рисолаларнинг муаллифиидир.

Абу Наср Форобийнинг номи шу даражада машҳур эдики, уни мусулмон оламида «Шарқ Арастуси», «Иккинчи муаллим» деб аташар эдилар. Форобий биринчилардан бўлиб ўз даври илмларининг таснифини яратди ва унга бағишилаб қатор рисолалар ёзди. У ўз даврида мусиқа соҳасига атаб ёзган асарларида мусиқа назариясини бойитди, Шарқда кенг тарқалган най, ноғора, чанг, рубоб каби мусиқа асбобларини таърифлайди, уларнинг

чукурлашишни такозо қиласы. Пировард натижада ақл ер-заминда содир бұлаётган ҳодисаларни билиб олиб, фалакий жисмларни билишга киришады, коинот ақли билан бирлашады. Демек, ақлий билиш коинот ақли күмәгіда амалға ошады. Гарчи инсон ақлининг коинот ақли билан тикиштира бериш билиш назариясига мистиканинг кириб боришига йўл очиб берган бұлса-да, у ижобий аҳамиятта эга эди, чунки билишнинг рационал методини асослаб беришга азму қарор қилған эди. Бундан ташқари Форобий билиш таълимотининг бошқа жиҳатларига ҳам аҳамият береб қелған. Айниқса, илмий тадқиқотда кузатув, баҳс-мунозара, билиш методлари, хиссий мушоҳадаһыннан чекланғанлығы борасыда қизикарлы ғояларни илгари сурған.

Форобийнинг ахлоқий қарашлары беҳад даражада зытиборлидир. Форобийнинг таъкидлашича, инсонни баҳт-саодатга алтувчи жамоа ҳақиқатан фазилатли, етук, хосиятли жамоадир. Инсоннинг келажаги, унинг баҳт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг қайғу аламига шерик бўлиш хисси ўзгаларда, биринчи галда давлат арбобида шакъубанган бўлмоғи лозим.

Мутафаккир инсон камолоти муаммосини илм билан боғлайды. Вокелик сир-асоридан боҳбар бўлмасдан туриб, Аллоҳ инъом этган ақл неъматидан реал имконият даражасыда фойдаланмасдан, етук инсон мартабасига эришиб бўлмайды, чунки инсон дунё тараққиётининг энг мукаммал ва етук якунидир. Бу борада Форобий таълим-тарбиянинг моҳияти, аҳамияти, зарурияти, бу жараённи амалга ошириш усул ва воситалари, ундан кутилган мақсад масалаларини ҳар томонлама тадқиқ этишига ҳаракат қиласы.

Форобий ўзининг «Баҳт-саодатга эришув ҳақида» асарида инсон камолоти учун қандай илмларни өгаллаш зарурлигини алоҳида уқтириб ўтади. Буларга олам асослари ҳақидаги илм, табиий жисмларнинг тузилиши, осмон, жонли табиат-ўсимлик ва хайвонот олами тўғрисидаги билимлар киради. «Бундан кейин, – деб ёзди Форобий, – инсонни ўрганишга киришамиз ва инсоннинг инсон бўлишидан кутилган мақсад ва муддаони ўрганамиз ва шунинг натижасида нима ва қандай нарса эканлигини билиб аниқлаб оламиз. Шундан кейин биз инсоннинг ҳозирги камолотга эришуви сабаб бўлған нарсаларни ўргана бошлаймиз. Бу нарсалар эса хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатлар бўлиб, бу фазилатларни инсонни шу камолотга эришувидан маҳрум қиласидаган салбий хислатларни ажратиб ўтамиз. Бу салбий хислатлар ҳар турли ёмон одамлар, нуқсонлар ва беметни хатти-ҳаракатларнинг келиб чиқиши сабабларини ўрганишдан аввал, шу хулқ-автор, хатти-харакатларнинг ўзи билан танишиб чиқамиз. Мана шу танишишга маданий, яъни мадинага (шаҳарга ёки жамоага) оид билимлар деб ном берамиз. Бу илм шундай халқларни ва шаҳарлик бўлмаган халқларни ўз ичига олган, яъни инсон оламига хос бўлған барча хислатларни ўзида умумлаштирган одамзод жисмидаги ҳар турли аъзолар каби (умумий хусусиятлар) кишига маълум бўлади.

Форобийнинг адолатли, фазилатли жамият, давлатни демократик бошқариш тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари диккатта сазовордир. Мутафаккирнинг адолатли идеал жамиятида кишиларнинг самарали меҳнатига, илм соҳибларига, уларнинг ақл-заковатига, фазилатли ахлоқ-одобига, ҳаётий тажрибасига юксак баҳо берилади. Диний адсоват, ўзга динга

зътиқод килувчиларга нафрат каби сифатлар мутафаккирга хос хусусият әмас. Унинг учун энг муҳими-кишиларнинг у ёки бу динга зътиқод қилиши әмас, балки маърифатнинг тантанаси, илм-фаннинг истиқболи, инсон камолоти, баҳт-саодат, эзгуликнинг қарор топиши, инсонларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигидир. Бундай жамиятда касб-хунар, илм-фанни әгаллашга кенг йўл очиб берилган. Жамиятда тенг ҳукуклилик ва эркинлик салтанати ҳукмронлик қиласи, якка ҳокимликка барҳам берилган. Давлат бошликларини фуқароларнинг ўзалиари сайлайдилар. Бордики сайланган бошликлар ҳалқ манфаатларига зид ҳаракат қилсалар, улар ўз амал-манасбларидан четлаштириладилар. Идеал давлат арбоблари ўз фаолиятларида адолат, тенг ҳукуклилик, фуқаролар манфаатларини кўзлаб иш тутадилар.

Абу Наср Форобийнинг ундан кейинги авлод зиёлилари, машхур олим ва мутафаккирлари дунёқарашининг шаклланиши ва ривожига таъсири самарали бўйланган. Бундан ташқари, бутун Оврупо Форобий ва бошқалар орқали антик олам маданияти, жумладан табиий-илмий ва фалсафий гояларидан хабардор ва баҳраманд бўйди.

Абу Райхон Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Беруний (973-1048 й) – буюк қомусий олим ва машхур мутафаккир. Беруний илм-фаннинг деярли барча соҳалари билан шугулланган тадқиқотчилир. У Яқин ва Ўрта Шарқнинг бой фан ва маданиятини пухта ўрганиб, қадимги юон мумтоз илми билан ҳам чуқур танишиб, йирик аллома бўлиб етишди. У шоир, адабиётшунос олим ҳам эди. Она тили бўлмиш хоразм тилидан ташқари яна араб, сўғдий, форсий, сурённий, юон, қадимги яхудий ҳамда кейинчалик Ҳиндистонда санскрит тилларини ўрганди. Беруний илм-фаннинг ҳамма соҳаларида самарали ижод этиб, 162 китоб ва рисолалар қолдирди. Шулардан атиги 28 таси бизгача этиб келган. Ҳозирги пайтда олимнинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Маъданшунослик», «Масъуд қонуни», «Мунажжимлик санъатидан бошлангич тушунчалар», Ибн Сино билан савол-жавоблари ва бошқалар нашр этилди ва турли тилларга таржима килинди.

Берунийнинг табиий-илмий қарашлари муҳим аҳамиятта эга. У астрономик кузатишлар орқали Ой ва Кўёшнинг тутилиши, уларнинг Ердаги ҳаётга таъсири, гидрогеология, иклим, календарь (таквим), сақланиш каби ўта мураккаб муаммоларни янти илғор метод ва тамойиллар кўмагида ҳал этишга зътиборини қаратди. Кишилар яшайдиган аҳоли манзиллари, маъдан ва металллар солиштирма оғирлигини белгилаш, табиий ва сунъий танланиш гоялари, оламларнинг хилма-хиллиги ҳақиқидаги башоратлар, тажриба, синов, кузатувга изчил муносабат Беруний даҳосининг сержило кирралари бўлиб, унинг буюк қомусий олим ва машхур мутафаккир эканлигини кўрсатиб турибди.

Олим кишиларнинг табиатда учрайдиган ҳар қандай гаройиб ҳодисаларнинг сабабларини уқтириб беришдан кочишилари, уларни тангри донишмандлиги, кароматига ҳавола қилиш билангина чегараланишларидан кулади. Бунга мисол фаввора бўлиб отилиб чиқадиган сув. Берунийнинг айтишича, кишилар ўзлари билмаган табиий ҳодисалар сабабларини билишга

эътибор қаратмайдилар. Улар сувнинг кўтарилиши, ер юзасининг юкори ва қуилигини кам ажратга оладилар. Бундайлар тўғрисида мутафаккир ўзининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида шундай деб ёзди: «хисоб илмидан хабарсиз киши водий йўлини бир текисда тўғри ёки озгина нишаб деб хаёл қўйса, албатта, у киши айтиб ўтилган ариқни юқориляб кетади деб хаёл қўйади. Бундай кишилар ернинг баланд-пастлигини ўтчашиб, текислашиб, анҳор қазиш ва қаналлар ўтказиши куролларини ишлатишни яхши билмаганларича уларнинг дилларидан шак-шубҳани кетказиши мумкин эмас».

Берунийнинг борлик тўғрисидаги ғоялари унинг табиий-илмий қарашлари билан узвий боғлангандир. Унинг борлик, табиат ҳакидаги ғоялари олимнинг ижтимоий-фалсафий қарашларига самарали таъсир килди. Беруний эътиборини борлик, материя, фазо ва вакт, конуният, зарурият ва тасодифият, ҳаракат ва ривожланиш, зиддият каби муаммолар ўзига жалб этади. Беруний аксарият олимлар каби моддий борликнинг тангри томонидан яратилганлигини эътироф этади. Унинг фикрича, олам, само жисмлари тангри яратган вактда улар тарқоқ ҳолда бўлиб, кейин эса ҳаракатга келган ва унинг натижасида муайян нуқтага тўплangan бўлиши эҳтимоли мавжуд.

Беруний «оддий жавҳарлар пайдо бўлиш ва ўйк бўлишни билмайди», - деган фикри илгари сурган, Арасту, Форобий ва Ибн Синонинг биринчи турткисига хайриҳоҳлик билдириласа-да, пиравард натижада оламнинг яратилганлигини эътироф этади. Фазо ва вакт масалаларида ҳам уларнинг конкрет мазмун касб этишини ва, демак, уларнинг муайян ашёлар билан чегаралганлигини тан олади. Абадийлик, унинг фикрича, биринчи сабаб билан боғлиқдир, чунки у яратувчининг умридиц.

Лекин олимнинг тараққиёт, конуният ва зарурият ҳакидаги ғоялари беҳад самарали эди. Масалан, дарахт баргларининг микдори ҳам заруриятдан ҳоли эмас. Улар баргларининг микдори камдан-кам еттига ёки тўккизта бўлади. Қатъий зарурият ва конуният қонун-қоидаларига бўйсунадиган ҳодисаларга циклик тарзда содир бўладиган жараёнлар киради. Бунга мисол тариқасида ҳайвонларнинг урчиши, ўсимликларнинг чангланиши, экинларнинг экилиши, меваларнинг пайдо бўлиши кабиларни олиш мумкин. Лекин зарурият ва конуният тасодифият билан узвий алокада бўлади, чунки ҳамма нарсалар ҳам муайян пайтда, тартибда, фазода рўй беравермайди.

Мутафаккирнинг дунёкарашида билиш муаммолари устувор мақомга эга. Бу масалаларнинг ечимини излашда у кузатув, синов-тажриба, ақл-фаросат тамойилларига таянган. Инсон табиат ҳодисаларини билишга бўлган саъй-ҳаракатида иккита нарсадан илҳомланади. Булардан бири Аллоҳ томонидан азалдан берилган табийи қизиқиши, барча нарсаларнинг мазмун-моҳиятига етиб боришига бўлган интилишидир. Иккincinnи эса билиш туфайли кўлга киритилган ютуқлардан манфаатдорликдир. Бу борада олим алхимиклар ва астрологлар фикрига қарши турди ва уларни ўз ижоди орқали коралади. Унинг фикрича, «агар фанга асосланиб бўлмаса, ундан воз кечиш лозим бўлар эди».

Фаннинг асосий вазифаси илмий ҳакиқатнинг тантана этишига хизмат килишдир, ҳакиқий билимларни ёлғон-яшиклардан муҳофаза килишдир. Янглишиши, ёлғон-яшиқнинг фанга кириб келишига сафсатабоз-

лик, салафлар эришган ютукларга танқидий ёндашмаслик, тадқиқотчининг ноизчиллиги, илмдаги сусткашлик, объектни тадқик этишини оддий ҳайратланиш билан алмаштириш, билиш субъектининг хасталиги ёки табиий ҳолатдан четта чикиши, укувсизлик, нодонлик, қайсарлик ва бошқалар сабаб бўлади.

Воқеликни ўрганишда қўйидаги талабларга амал қилиш шарт: тадқик килинаётган нарса, ҳодиса ва хусусиятларнинг нисбий муайянлиги, ҳақиқатнинг конкрет жуғрофий шароитлар билан ўзаро боғлиқ эканлиги, ўрганилаётган ҳодиса ва вакт бирлингига алоҳида эътиборни қаратиш. Масалан, фан содир бўлаётган ҳодисалар конкрет вақтни имконият борича тўлиқ аниқлаш заруриятини ахли илмга юклайди. Лекин масофа, аҳоли яшайдиган манзиллар координатларини белгилашда бир хил вақтни тўгри деб тан олиш ва унга доимо асосланиш кийин, чунки кун ва кечаларнинг бошланиши, куннинг чикиши ва ботиши турли жойларда ҳар хиллар. Муаммонинг ҳал килиниши Ер ва сувнинг шар шаклидалиги, тоғ, паст-баландликлар сингари табиий ҳодисаларнинг мавжудлиги туфайли яна ҳам мураккаблашади, натижада икки хил жойнинг вақти тўғрисида бир хил фикр юритиш мушкуллашади.

Бундан ташқари, кузатув, синов-тажриба билиш жараёнини бирмунча енгиллатса-да, уларга нисбатан бамайлихотир муносабатда бўлиш самара бермайди. Демак, бизнинг билимларимизнинг нақадар тўғри ёки ногўри бўлиши «кузатувчи-тадқик этилувчи объект-билиш воситалари» муаммосини нақадар даражада оқилюна ҳал этишимиизга боғлиқлар. Бунинг боиси ҳар бир инсон тадқиқотчи сифатида идеал мавжудот эмас. Бунга яна тадқиқот объектининг ўзгариб туриши, кузатув ва тажриба воситаларининг илмий тадқиқот талабларидан паст эканлигини назарда тутсак, билиш жараёни нақадар даражада мураккаб эканлиги якқол сезилади.

Олим тажрибанинг самарали кўмагида ажойиб илмий ютукларга эриши. У турли усул ва методлардан фойдаланиб, маъдан ва металларнинг инсон акл-заковати ҳайратга келадиган аниқликда солиштирма оғирлигини белгилаб берди. Лекин олимнинг ўз замондошларига қаратса доимо тажриба, кузатишга амал қилишга давлат чиқириғи ўша давр олимлари томонидан кабул қилинмади. Бунинг сабаби, Г.Г.Леммлейннинг фикрича, бу муаллифларнинг Беруний асарларида мухим ўрин эгаллагани унинг асосий методи-тажрибага мурожаат қилиши тўғрисидаги қатъий тавсияга принципиал нуқтаи назардан тубдан қаршилигидадир.

Олимгача билимнинг чинлиги мезони соф акл-фаросат салтанатидан изланар эди. Барча машҳур мугафакирлар, жумладан Арасту ҳам худди шундай фикрда эди. Арасту «тажриба» деганда ашёларни кўп мартаба хотирлашни тушунган. Берунийга кўра, илм, ҳақиқатнинг энг ишончли мезони кузатув, синов-тажрибадан бошқа нарса бўлиши мумкин эмас. Олимнинг «Синовдан бошқа устувор дастур, тажрибада текширишдан ўзга муваффақиятга әлтадиган дастуруламал йўқ», «Тажрибагагина таянмоқ лозим» («Маъданшунослик») каби иборалари оддий сўзлар ийғинидиси бўлмасдан, балки унинг ўзи қўллаган воситалар самарасига комил ишонч намунасиидир.

Мутафаккирнинг жамият ва инсон тўғрисидаги қарашлари ҳам ўзига хосдир. Инсон Аллоҳнинг яратувчилик фаолияти туфайли пайдо бўлган. У Аллоҳ буюклиги ва донишмандлигининг нишонасиdir. Унга инъом этилган сезги аъзолари, акл, яъни барча нафсий ва ақлий кувватлар беҳудага берилмаган. Улар орқали инсон Аллоҳнинг амр-фармонини эшитади, хис килади, мўъжизаларини мушоҳада килади ва бу мўъжизалар орқали унинг ягоналигидан, курдатли, доно ва меҳрибон эканлигидан хабардор бўлади.

Инсон ҳаёти ва фаолияти эса моддий омиллар, табиий қонуният асосида кечади. Берунийнинг таъкидлашича, жуғрофий омил инсоннинг ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Инсон танасининг ранги, ташқи кўриниши, табиий хоссалари ва хусусиятларидаги фарқ унинг келиб чикишига алоқадор бўлибгина қолмасдан, балки турар жойлардаги тупрок, сув, ҳаво жойнинг фарқига ҳам боғлиқдир.

Одамларнинг бир-бирлари билан бирлашиши, жамиятнинг пайдо бўлиши моддий эҳтиёжлар натижасидир. Инсон ортиқча жисмоний куч ва қудратдан маҳрум эканлиги, унда ўз-ўзини муҳофаза қилиш воситаларининг йўклиги, бошқалар томонидан ташкил этилган ҳуружларга дуч келиши оқибатида уни ҳимоя қиласидан ва эҳтиёжларини қондиришини таъминлай оладиган нарсага доимий зарурият сезади. Айнан шу зарурият уларни бирлашишга датъват этади. Кишиларнинг эҳтиёжлари кўп ва хилма-хиллар. Уларни амалга ошириш кўпчиллик одамлардан ташкил топган жамоаларга насиб этади. Бунинг учун улар шаҳарлар куришга эҳтиёж сезадилар, натижада жамият вужудга келади.

Хар бир инсоннинг ҳақиқий баҳоси – унинг ўзи кодир бўлган ҳунар, ишни вижданан юксак маҳорат билан бажаришидир. Мехнат-инсоннинг буюк бурчи, чунки ҳар қандай орзу қилинган мақсад, моддий ёки маънавий эҳтиёж меҳнат туфайли натижага эришади. Пул муомаласи меҳнатнинг айирбошлиши ривожи билан боғланган. Берунийнинг фикрича, пуллар, жумладан олтин, кумуш ўзича ҳеч қандай қадр-кимматга эга эмас. Улар маҳсулотларни алмаштириш жараёнидагина умумий мезон сифатида аҳамият касб этади ва ўз вазифасини бажаради.

Пулдан ноўрин фойдаланиш ёмон оқибатларга олиб келадиган бойликларни яратди. Натижада пул зўравонликка, мажбурий меҳнатга олиб келди. Зўравонлик ва ёллаш туфайли амалга оширилладиган меҳнат доимо давом этиши мумкин эмас. У вактингчадир.

Берунийда ижтимоий утопик қарашлар ҳам ривож топган дейиши мумкин. Унинг идеалига кўра, жамиятни бошқариш ўз моҳиятига қараганда, амалдорлардан ўз ҳузур-ҳаловатидан аник муддат давомида маҳрум бўлишни, зўравонлардан беҳузур бўлганларнинг ҳуқуқларини тиклаш, гуноҳкорларни эса жазолашдан иборат бўлмоғи лозимлигини тақозо қиласи. Унинг ҳикоя қилишига қараганда, Магрибда жамиятни бошқариш демократик тарзда олиб борилар экан. Жамиятни идора қилиш «юқори тоифа қишилари ва деҳқонлар» орасида навбатма-навбат амалга оширилар экан. Идора қилиш муддати тугагач, ҳукмдор масъулиятли вазифани соғ-саломат ўз зиммасидан сокит қилганлигига атаб фуқароларга зиёфат берар, қишиларга совғалар ҳадя килар экан.

Одил ҳукмдорнинг асосий вазифаси – юқори ва қуи табақа вакиллари ўртасида адолат ўрнатиш, кучли ва ожизлар ўртасидаги тенглигни барқарор этишдан иборатdir. Шунинг учун у Ҳиндистонда ҳукмрон бўлган табақачилик (кастачилик) тартибини қоралади. «Тенглик ҳукмронлик қилган жойда қайғу-алам ва очофтлик ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетади» деган ғояни илгари суради Беруний. Олимнинг таъкидлашича, жамият ҳаётида дехқончилик билан банд ахолининг ўрни алоҳида эътиборлиdir. Шунинг учун дехқонлар ҳол-аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш ва уларга ғамхўрлик қилиш ҳукмдорнинг бош вазифаси бўлмоғи шартdir.

Берунийнинг ахлоқ-одобга оид ғоялари ҳам беҳад даражада қизиқарли ва фойдадан ҳоли эмас. Инсоннинг ахлоқий қиёфаси жамиятда, бошқалар таъсирида шаклланади. Шундай экан, шахснинг ахлоқи унинг жамият олдиғаги бурчини сидқидиллик билан бажаришга хизмат қилмоғи лозим. Инсоннинг ташки қиёфаси табиат инъомидир, уни ўзгартиришининг имконияти йўқ. Унинг ахлоқий қиёфасига келсак, уни ўзгартириш инсоннинг ўз қўлидидир. Демак, уни ёмондан яхши фазилатларга айлантиришининг имкониятлари чексизdir. Бунинг учун шахс ўз хулқ-автори, ҳис-туйгулари устидан ҳукмрон бўлмоғи, руҳини тарбиялаб бориши, уни ахлоқий жарроҳлик воситаси кўмагида даволаб бориши, ахлоқ-одоб борасидаги китобларда таъкидланган усуслар билан унинг камчиликларидан кутилмоғи лозим бўлади. Ана шундагина у ўзининг тубан хислатларидан озод бўлиб, юксак ахлоқий фазилатлар соҳибига айланади.

Абу Райхон Берунийнинг табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-ахлоқий қарашлари жаҳон фалсафий тафаккури равнақига қўшилган катта хиссадир. У қолдирган маънавий дурдоналарни ҳар биримиз томонидан ўзлаштириб олинниши миллий ўзлитетимизни англашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қиласи.

Абу Али иби Сино 980 йилда самонийлар давлатининг пойтахти – Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида таваллуд топган. У 5 ёшга тўлған пайтда оиласи Бухорога кўчиб келади. Аввалига у мактабда таълим олади. Сўнгра эса бир қанча устоzlар кўмагида астрономия, математика, мантик, фалсафа ва катор бошқа фанлар асосларини кунт билан ўрганади. 999 йилда Бухоро қораҳонийлар томонидан босиб олингач, Иби Сино ўз ватанини тарқ этишга мажбур бўлади. У Хоразмнинг пойтахти Урганчда бошпана топади. Бу ерда у машҳур олимлар, жумладан Беруний, Иби Ироқ ва бошқалар билан ёнма-ён ижод қиласи ва ўзининг билимларини бойитиш имкониятига эга бўлади.

Орадан кўп вакт ўтмасдан ғазнавийлар давлати Бухорони босиб олади. Хоразм устида хавф-хатар булути кўтарилади. У ўзининг қолган умрини бегона юртларда ўтказади. Иби Сино 1037 йилда Ҳамадон шаҳрида вафот этади. Иби Синодан 280 дан зиёдрок асарлари бизга мерос бўлиб қолган. Улардан 50 таси тиббиётга, 40 тадан зиёдроғи табиат ва гуманитар фанларга, 3 таси рисола мусикага, 185 таси фалсафа, мантик, психология, ахлоқ ва ижтимоий-сиёсий муаммоларга таалуқларидир. Олимнинг асарлари орасида «Шифо китоби», «Инсоф китоби», «Нажот китоби», «Тиб қонуни», «Билимлар китоби» ва бошқалар ғоят даражада эътиборлиdir.

Борлик ва билимлар таснифи. Ибн Синога кўра, барча мавжудотнинг асоси ва ибтидоси «вужуди вожиб»дир, яъни тантризидир. Вужуди вожиб – бу биринчи моҳият, жавҳар. Унинг мавжудлиги сабабини бошқа нарсалардан ахтариш ўринсиздир, чунки биринчи сабаб унинг натижаси, оқибати бўлган хилма-хил жараёнларнинг моҳиятига боғлиқ бўла олмайди. Вужуди вожибнинг мавжудлиги унинг ўзига боғлиқ. У мустақил моҳиятдир. Бу моҳият ягонаидир. Унинг зотида камчиликлар ва нуқсонларнинг учраши имкониятдан ташқаридаидир. Доимий фаоллик бу биринчи сабабнинг муҳим хусусиятини ташкил қиласи. Биринчи сабаб баъзан фаол, баъзан эса фаоллийдан ҳоли бўлмоғи мумкин эмас. Унинг яратишдан толикиши, бу фаолиятни амалга оширишин исташи ёки истамаслиги унинг моҳиятига зиддир. Истамаслик, маъкул кўрмаслик яратувчининг қодир, раҳм каби сифатларига путур етказади.

Вужуди вожибнинг оқибати вужуди мумкиндир. Вужуди вожиб ва вужуди мумкин бир-биридан вакт нуктаи назаридан фарқланмайди. Улар ўргасидаги фарқ аслида нағислик даражаси билан белгиланади. Буидан ташқари, барча нарсалар, жараёнлар ифодаси бўлган вужуди мумкиннинг вужуди вожиб томонидан яратилиши ихтиёрий эмас, балки зарурий, мантиққа зид келмайдиган жараёндир.

Ибн Сино ҳаракат муаммосига алоҳида эътибор билан қарайди. Ҳаракат жисмларнинг ички моҳиятидан келиб чиқади. У осоиишталик билан бирга мавжуддир. Ҳаракат – бу қодисаларнинг маконда содир бўлиши. Бу тушунчани бошқачароқ, фазовий ҳаракатта нисбатан умумийроқ тарзда ифодалаш лозим. Олим ўзининг «Шифо қитоби»да ҳаракат тушунчасини кенг маънода изоҳлайди. Унинг мулоҳазаларида қуйидагилар алоҳида таъкидланади: 1) моддийлик ва ҳаракат; 2) ҳаракат-моддийликнинг ички ҳолати; 3) моддий олам ва ҳаракат объектив ҳарактерга эга; 4) ҳаракат жисмларнинг ўзаро ўрин алмашинувигина бўлиб қолмасдан, балки кенг маънода уларнинг ўзгариши, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтишидир.

Ибн Синонинг фикрича, ҳаракат қуйидаги учта қўринишда намоён бўлади:

1. Акцидентал ҳаракат. Бу ҳаракатда жисм бошқа жисмда бўлиб, ўша жисм ҳаракати билан бирга ҳаракат қиласи, бир ўриндан бошқа ўринга кўчади, лекин бу жисм ўз ўрнини ўзгартирамайди.

2. Мажбурий ҳаракат. У жисмнинг ўз ҳаракати эмас, ҳаракатнинг сабаби жисм моҳиятидан ташқарида. Масалан, от аравани тортади, сув ташайди, одам олов ёқади, тошни отади ва ҳакозалар.

3. Табиий ҳаракат. Бу ҳаракат жисмнинг ўз-ўзидан ҳаракатидир. Оловнинг кўтарилиши, шамолнинг содир бўлиши, тошнинг пастга тушиши кабилар. Бу ҳаракат ўз навбатида доира ва тўғри чизик бўйлаб ҳаракатдан иборат бўлади. Ҳаракат ўз навбатида фазо ва вакт билан ўзаро узвий алокада бўлади.

Яратилиш жараёнининг ибтидоси ва интиҳоси бўлмагани каби, ҳаракат, фазо ва вакт ҳам абадийдир. Чексизлик айрим ҳолда олинган чегараланган ҳаракат, фазо ва вактдан ташкил топади.

Мугафаккир ўзининг «Фанларнинг ақлга асосланган қисмлари» асарида барча фалсафий фанларни икки қисмга – назарий ва амалий фалсафага бўлади. Назарий фан метафизика (юқори даражадаги фан), математика (ўрга босқичдаги фан) ва физика (фаннинг пастки катлами)дан иборат. Метафизика мутлақ борлик ва унинг умумий ҳолатларини мавхум категориялар воситасида ўрганади. Илоҳиёт ҳам метафизикадан жой эгаллайди. Математика жисмларнинг соғ микдорий муносабатларини, физика эса табиатни, моддий оламни тадқик этади.

Амалий фалсафа сиёsat, хукук, оиласа алоқадор муаммоларни, ахлоқни камраб олади. Ибн Сино мантиқни ўзининг илмлар таснифига киритмайди, уни билишнинг воситаси деб хисоблайди. Олим илм соҳаларининг таснифини тузар экан, уни вокеий олам ҳодисалари реал хоссаларидан келиб чиқсан ҳолда тадқик этади.

Ибн Синонинг табиий-илмий қарашлари. Олимнинг кўпина асарларида ўша давр олиму фозилларини қизиктириб келган табиат ҳодисалари тилга олинганд. У ўзининг «Донишнома», «Тиб қонуни», «Табиат дурданаси» каби китобларида ҳамда Беруний билан бўлган баҳс-мунозараларида кўпгина масалалар тўғрисида фикр юритади.

Жисмларнинг бир-бирига таъсири ва бу таъсирининг характеристи уларнинг ички моҳиятига, «потенция»сига боғлиқ. Бунда «потенция» тушунчаси И.Ньютон қонуларида учрайдиган «куч» тушунчасига мос келиб, у пассив ёки актив шаклларда ифодаланади. Жисмлар таъсири икки хил бўлиб, бевосита ёки билвосита алоқадорлик сифатида намоён бўлади. Масалан, муз бошқа жисмларга тегиши билан уларнинг ҳароратини ўзгартиради. Шамол осойишта нарсаларни ҳаракатга келтиради.

Билвосита алоқадорлик натижасида нарсаларнинг бир-биридан акси, тасвири қолади. Масалан, Куёш ва Ойдан тарқалаётган нур ва қувват Ерда содир бўлаётган ҳодисалар, жумладан одамлар, ҳайвонот ва ўсимлик олами ҳаётига таъсир қиласди. Ой, масалан, мевалярни етилтиради, денгиз сувининг кўтарилиши ва қайтишига олиб келади. Ёмғир, қор, дўл ва шунга ўхшашиб табиий ҳодисалар сув буғларининг тарқалиши ёки концентрацияси ҳолатига боғлиқ. Сабзвотлар пишишининг тезлашуви, кишилар танасининг рутубатлари муайян тарзда Ой таъсирининг оқибатидир.

Айниска, Ибн Синонинг «Табиат дурданаси» асари бу борада муҳим аҳамиятта моликдир. У асарнинг тўртинчи қисмida электр ҳодисасига тўхталиб, унинг ишқаланишга боғлик эканлигини тажриба орқали уқтириб беради. Олим куйидагиларни ёзади: «Бу шундан хосил бўладики, ювилган кийимнинг ҳаддан ташқари ишқаланиши натижасида кийимдаги ҳаво бўшлиғи кенгайиб шу даражага етадики, ишқаланиш оқибатида иссиқлик (ҳодисаси) пайдо бўлади. Бу ҳолда оловнинг модласи ва шакли ўзаро биргаликда оловни ташкил этади. Мушукни силагандан ундан учқун чиқишининг сабаби ҳам худди шунга ўхшайди.

Олим «Табиат дурданаси»да кўпчиликка ғайритабии туюлган сароб, жисмларнинг солиштирма оғирлиги, чангнинг ёруғ хонада кўринмаслиги, чакмок, момақалдиrok, нур, ёмғир, дараҳт баргларининг функцияси тўғрисида ғоят кизиқарли маълумотлар берган. Замин қаърида юз берадиган

геологик ўзгаришлар, маъданларнинг узок вақт давом этган турли хил табиий ҳодисалар таъсирида пайдо бўлиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазалари эътиборлидир. Маъданларнинг тез ёки аста-секин, эволюцион тарзда шаклланиши жараёнининг сабаблари биринчи галда моддаларга таъсир этувчи табиий кучларнинг куввати ва уларнинг бошқа кучлар устидан устувор келиши ёки улардан маглублигидадир. Бу борада сув билан шамолнинг тоғлар, тоғ жинсларини яратишдаги, замин рельефини ўзгартиришдаги бунёдкорлик роли беҳад даражада самарали бўлган, деб уқтиради Ибн Сино.

Билиш назарияси. Воқеликни маънавий ўзлаштириш инсон зотига хос эканлигини Ибн Сино алоҳида таъкидлайди. Инсоннинг кўп ҳолларда ундан кучли бўлган ҳайвонлардан афзалиги нимадан иборат? Ибн Синонинг фикрича, Аллоҳ унга шундай бир куч-кувват ато этганки, у туфайли инсон эзгулик («хайр»ни ёмонлик («шарр»)дан, интеллектуал етуклик, камолот («рашад»)ни ёлғон-яшик, адасиши («гумроҳи»)дан фарқ қиласди. Инсон ақли мавжудот эканлиги боисидан табиатда муҳим ўрин эгаллади ва бошқа мавжудотлардан ажralиб туради. Ақл нуридан баҳрамандлиги сабабли табиатнинг кўр-кўрона тасодифий кучлари таъсиридан бирмунча озод шахсга айланади ҳамда ўзининг амалий ва назарий фаoliyatiini «донишмандлик тарозиси» – ақл мезони талабларига мослаштиради.

Ибн Сино Арасту ва Форобий анъаналарига таянган ҳолда воқеликни билиш жараёнини инъикос таълимоти билан боғлайди. Кишиларнинг сезги аъзоларига таъсир эта олмайдиган ҳар қандай нарса, ҳодиса билиш чегарасидан ташқаридадир. Айтиш мумкинки, Ибн Сино билиш жараёнини инъикос ролини чукур англаган ҳолда нарсаларни танлаб акс эттирилишига назар ташлади. Кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, амалий ва назарий маҳорати, кўнилмалари турлича. Буни у «ҳайвоний қизиқиши» ва «мафтункорлик куввати» орқали очиб беради. «Хиссий қабул қилиш амалга ошганда, – деб давом эттиради Ибн Сино, – истак ҳам юзага келади, демак, ҳаракат ҳам пайдо бўлади. Бу ҳаракат биронта нарсани четлаб ўтиш ёки уни излашдан иборат бўлади. Демак, ҳаракатлантирувчи кувватга ирода зарур бўлади. Ирода эса зарурият туфайли амал қиласди, зарурият эса биронта нарсага етишиш ёки уни четлаб ўтиш мақсадидан келиб чиқади».

Билиш жараёнининг илк босқичи жонли мушоҳададир. Жонли мушоҳада орқали нарса, ҳодисаларнинг учча даражада мураккаб бўлмаган жиҳатлари, хосса-хусусиятлари тўғрисидаги бевосита маълумотлар кўлга киритилади. Улар заминида билишнинг юксак босқичи бўлмиши ақлий билиш вужудга келади. Бу борада мутафаккирнинг жонли мушоҳаданинг ижобий ва салбий жиҳатларини ҳам очиб беришга уринганлиги кўриниб туради. Бир томондан, ақлий билиш унингиз рўёбга чиқиши гайритабиийдир. Иккинчи томондан эса, жонли мушоҳаданинг кўпинча ақлий билишнинг таасисига кириб олишга интилиши назарий илмнинг салоҳиятига салбий таъсир этади. Биз кўп ҳолларда сезгилар далолатига асосланган оддий тушунчалар, тасаввурлар билан ортиқча овора бўлиб қоламиз. Бокибекамлигимиз туфайли улар воқеий ҳодисалар моҳиятини очиб бера олади, деган хом хаёлга

борамиз. Бундай вазият илм аҳлини асл мақсаддан чалғитади, дея хулоса чикаради Ибн Сино.

Ибн Синонинг билиш таълимотида кузатув ва тажриба мұхим ўрین әгаллады. Олим улар орқали жисм ва моддаларнинг солиштирма оғирлиги, одамларнинг хасталиги ҳолати, дори-дармонлар таркиби, мөъери, касалларга даво бўла оладиган миқдори, касалликнинг инқизори ва соғайиш аломатлари каби ўта мұхим муаммоларни комил ишонч билан ҳал этишга жазм қылган.

Ибн Синонинг меросица илм ва ахлоқ бирлиги муаммоси алоҳида аҳамият қасб қиласди. Ахлоқий равнақ инсон зотига хосдир, чунки у ақлнинг улкан кучи, тафаккурнинг фаоллигига асосланыб, ҳақиқат билан ёғон-яшиқ ўртасидаги чегарани белгилаб олибгина қолмасдан, балки дўстнинг душмандан фарқини ҳам билиб олади. Агар нарсалар, жараёнларнинг моҳиятини билишда интеллектуал етуклик, олимлик салоҳияти мұхим бўлса, ахлоқий камолотга эришиш учун бу фазилатларнинг ўзи етарли эмас. Илм ва ахлоқий фазилат муштарақлиги инсонни донишманд ва олийжаноб шахсга айлантиради. Ахлоқий равнақ имконияти шубҳасизdir, чунки «гўзалликка ва ахлоқий камолотга интилиш инсонга хос хусусиятдир».

Мутафаккирнинг асарларида таъкидланишича, инсон табииати туғилишдан бошлиб ахлоқли ёки ахлоқсиз бўлмайди. Кишилар тайёр сифатлар, кўникмалар, фазилат ва иллатлар билан дунёга келмайдилар. Улар аслида ҳаётда шахсий ва ўзгалар тажрибаси, аждодлар анъаналари, таълим-тарбия натижасида шаклланадилар ва муйян ижтимоий мавқега эришадилар. Таълим-тарбия, бошқа кишилар таъсири остида инсон ижобий ахлоқий фазилатларни ўзида шакллантиради ёки иллатли сифатлар, хусусиятларнинг соҳибига айланади. Бунда одатнинг куввати қонун кучига эгадир. Ҳар бир инсон томонидан ўзида ижобий ахлоқий фазилатларни камол топтириш қанчалик қийин бўлса, салбий сифатлардан қутилиш ундан ҳам мураккаброқдир.

Шундай қилиб, илм ва ахлоқ бирлиги тўғрисидаги ғояларнинг мазмуни илм, ҳодисаларнинг асл моҳиятини очиб беришдангина иборат эмас. Илмнинг қадр-киммати, унинг аҳамияти шахс ва жамиятнинг ахлоқий равнақига қўшган хиссаси билан белгиланади.

Ижтимоий-сиёсий ғоялар. Олимнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари амалий фалсафа таркибida кўриб чиқилган. Амалий фалсафа ахлоқ, иктисол, сиёсатдан баҳс юритади. Улар инсон, оила, жамият манфаатлари, ўзаро муносабатларини ўрганади.

Ибн Сино Арасту ва Форобий изидан бориб, инсонни ижтимоий жонзот деб таърифлайди. Кишиларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, бир-бирни қўллаб-кувватлаши улар ҳаётининг ягона таинцидир. Жамиятнинг барқарорлиги унинг аъзолари учун бир хил мазмунга эга бўлган қонун ва адолатли ҳукмнинг мавжудлигига боғлиkdir.

Барча жамият аъзолари ижтимоий-фойдали меҳнат фаолияти билан банд бўлишлари лозим. Бажариладиган вазифаларга қараб улар мансабдор шахсларга, ишлаб чиқарувчилар, савдо-сотик билан машгул кишилар ва ҳарбийларга бўлинадилар. Ибн Синонинг фикрича, ижтимоий адолат – бу жамият аъзоларини зўрма-зўраки тенг ҳолатда саклашдан иборат эмас. Барча

кишиларнинг шоҳ ва султонларга айланиши ёки ҳамманинг қашшоқлардан иборат бўлиши нореалдир. Бундай вазият табиий ва ижтимоий қонун-қоидаларга тубдан зиддир. Жамиятда тентсизлик хукмронлик қиласи. Соҳиблар ва гуломларнинг мавжудлиги қонуний бир ҳолдир. Уни ҳеч қандай куч-кудрат, истак-хоҳиши ўзгартира олмайди, чунки ҳар бир кимса ўзининг меҳнатдаги фаоллигига, саъй-ҳаракатларига қараб орзу-умидга, мақсадига эришиди. Лекин айнан шу масалада ҳам Ибн Синонинг инсонпарварлиги яққол намоён бўлади. У ўзининг «Гадбир-э манзил» асарида «...хизматкорларни ўзингта яқин тут, уларни силтаб ташлама, уларнинг эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик қил, уларга нисбатан қаҳр-газабли бўлма, улар билан гўё дўстлар билан бўладиган муносабатда бўлгин, уларни баҳтсизлик онларида ёлғиз қолдирма, чунки улар ҳам инсонлардир», – дейди.

Олимнинг эътиқодига кўра, ҳамма учун умумий ҳисобланган қонун салтанатининг тантанаси адолатсизликка чек қўяди. Одамлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик, шафқатсизлик, ноинсофлик ҳолатлари кескин кораланади. Бордики, хукмдорнинг ўзи адолатга зид иш тутса, жамият ҳар қандай чора-тадбир кўллашга ҳақлидир, леган хуласага келади Ибн Сино.

Ибн Синонинг табиий-илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий карашлари ўз даврининг кўзгусидир. Улар ўрта асрлар даври фалсафий фикр тарихида муҳим ижобий рол ўйнади ва ундан кейин ижод этган мутафаккирлар дунёкарашининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатди.

2.3. Илк ўрта асрлар табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккури ва унинг тарихий тақдири (хотима ўрнида)

Ўрта Осиё илк ўрта асрлар Уйғониши даври илм-фани, маънавий қадриятлари Шарқ ва Фарбда ижтимоий ва табиий-илмий тафаккур ривожига самарали таъсир кўрсатиб келди ва фаннинг янгидан-янги соҳаларининг вужудга келишида муҳим аҳамият касб этди.

Мухаммад ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний ва Ибн Синолар табиатшунослик билан фалсафий тафаккурни ўзаро яқинлаштиришга, илм-маърифатнинг буюк мақомини янада юксалтиришга, инсоннинг ўз моҳияти ҳамда табиат ва жамиятни тубдан ўзгартиришга, кишиларнинг адолатли жамиятда баҳт-саодатли ҳаёт кечиришига умидвор бўлиб яшадилар ва илм-фандада жўшқин фаолият кўрсатдилар.

Буюк қомусий алломалар ва машҳур мутафаккирлар эришган илмий ютуқлар, ҳаётбахш ғоялар иззиз йўқолиб кетмади. Уларнинг инсон, жамият ва табиат тўғрисидаги эътиборли фикр-мулоҳазалари, илм-маърифат ҳақидаги карашлари жаҳон миқёсида ўз ихлосмандлари назарига тушди. Алломалар ардоклаган маънавий қадриятлар янги давр шароитида ўзларининг умрбокий ҳаётини давом эттири.

Абу Наср Форобийнинг гносеологик (билиш назариясига тааллукли) мантикий карашлари Шимолий Африка ва араб Испанияси илм аҳли

томонидан хайрихөхлик билан қизғин кутиб олинди ва давом эттирилди. Форобийнинг гоявий таъсири остида Ибн Божжа (XI аср охири-1138 й), Ибн Тифайл (1110-1186 й), Ибн Рушд (1126-1198 й)ларнинг ижтимоий-фалсафий дунёкараши шаклланди ва камол топди. Ибн Рушд ўз асарларида Абу Наср Форобий ва Ибн Сино босиб ўтган йўл уларнинг қадимги салафлари тутган йўл-йўрикдан фаркланишини таъкидлайди ва муаллиф уларнинг фалсафий қарашлари туфайли фаол ақл ва моддий оламнинг абдийлиги таълимотига ихлосманд бўлганилигини уқтиради.

С.М.Афнанинг фикрича, Ибн Синонинг гоявий таъсири гоят даражада эътиборли бўлган, алломанинг вафотидан кейин ҳеч бир мутафаккир илм аҳлига у қадар таъсир ўтказа олмаган. Баъзи кишилар ўзлари унинг айрим қалтис фикр-мулоҳазаларига очикдан-очик эътиroz билдирган бўлсалар-да, ўзлари билган ва билмаган ҳолда Ибн Сино гояларини саклаб қолишга ҳаракат қилганлар.

Умар Хайём Ибн Синони ўзининг устози деб эътироф этганилиги маълум. Мутафаккир ўзининг рубойлари ва фалсафий рисолаларида илм ва билим, ҳаёт ва ўлим, борлиқнинг моҳияти ва оламнинг сир-асрори тўғрисида фикр юритар экан, бундай мушкул муаммоларни ҳал этишда кузатув, ақл ва мантиқ кўмагига мурожаат қиласди, улардан најот излайди. У фикр-мулоҳаза юритмайдиган имон-эътиқод, таклидчиликни хуш кўрмайди. Унингча, ақлга таянган эътиқодгина ўзини ҳимоя қилишга қодир ва хаётбахшdir.

Форобий ва Ибн Синонинг мантиқий ва гносеологик қарашлари Савдуддин Тафтазоний (1323-1392) ва Мир Сайид Шариф Журжоний (1340-1413) томонидан давом эттирилди.

С.Тафтазоний, С.Муртазовининг таъкидлашича, ўзининг «Мақосит ат-толибин», «Тақриб ул-марам фи шарҳ таҳсib ул-калом», «Таҳсib ул-мантиқ ва-л-калом» асарларида салафлари эришган ютуқларга таянган ҳолда мантиқнинг келиб чикиши, мақсад ва вазифаларига батағсил тўхтаб ўтади. Унинг назарida, мантиқ фикр-мулоҳаза юритишига хато ва камчиликлардан ҳимояланиш, янгидан-янги билимларни забт этиш восита ва усуllibарини ўзида жамлаган фандир.

Форобий ва Ибн Синоларнинг мантиқ ва гносеология соҳаларида ютуқлари, айниқса, Мир Сайид Шариф Журжоний илмий фаолиятида ўзининг ёрқин ифодасини топган. У ўзининг қатор мантиққа оид асарларида вужуди вожиб ва вужуди мумкин, жонли мушоҳада ва ақлий билиш, мантиқ илмининг аҳамияти ва ўрни ҳакида муҳим ва эътиборли мулоҳазаларни баён қиласди.

Мирзо Улугбек даврида Лутфилла Хоғизий Абру (тав.й. 1431), Мавлоно Нағисий, Сирожиддин Самарқандий (вафот этган й.1412), Ҳаёлӣ Бухорий (вафот этган й.1449), Бадаҳшӣ Дурбек, Саккокий каби фан, адабиёт ва санъат жабҳаларида кўзга кўринган кишилар ижод қилганлар. Мирзо Улугбек фан ва маданият ҳомийси бўлибигина қолмасдан, ўзи бевосита астрономик кузатувлар олиб борган, астрономик жадваллар тузиш билан машғул бўлган. Машхур алломалар Қозизода Румий, Фиёсиддин Кошӣ, Али Күшчи ва бошқалар Абу Райҳон Беруний бошлаб берган математика ва астрономия соҳаларини янги ютуқлар билан зийнатлаганлар. Алломанинг

«Геодезия», «Масъуд қонуни» ва бошқа асарлари Улутбек астрономик мактаби олимларининг кундалик дастуруламали вазифасини адо этган, десак хато килмаймиз.

Бундан ташқари, Берунийнинг кўпгина асарларини ўрганиш, уларга шарҳлар ёзиш авж олади. Лекин, афсуски, аллома асарларига, табиий-илмий қарашларига қизиқиш кучайтан бўлса-да, унинг билици таълимоти бирмунча унтилигандек туюлади, чунки Беруний Форобий ва Ибн Сино билан киёсланганда кўпчилик назарида донишманд файласуф эмас, балки ўз ҳаётини астрономия ва математикага бағишилаган аллома сифатида гавдаланарди.

Форобий ва Ибн Синонинг гносеологик қарашлари, айникса, ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий ғоялари билосита бўлса-да, Низомий-Ганжавий дунёкарашининг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатди. Низомийнинг дикқат марказида билиш таълимоти ва ижтимоий ҳаётни кишиларнинг орзу-ҳавасларига монанд тарзда ташқиён этиш муаммолари ётади. Бундай жамиятнинг ҳукмдорига давлатни адолатли бошқариш, илм-маърифатни эъзозлаш, етим-есирларнинг аянчли аҳволига бефарқ бўлмаслик, разият тақдиридан боҳбар бўлиб туриш, эл-юртнинг тинчлигини таъминлаш масъулияти юкланди.

Ардокли шоир-мутафаккир Алишер Навоий асарларида илм ва инсон маънавий-ахлоқий камолоти масаласи етакчи ўрин эгаллайди. У ҳалқига наф-фойдаси тегмайдиган, жоҳил ва нодон одамларни қоралайди, адолатсиз, бераҳм, гарзгўй, таъмагир кимсалардан нолиди. Унинг фикрича, Алишер Навоий орзу қилган жамиятда тилемчиларга, жиноятчиларга, ўғри ва талончиларга ўрин йўқ, илм-маърифатни эъзозлаш барчанинг масъулияти бурчидир, чунки илм ва донишмандлик инсон кўркидир. Илмни эгаллашдан кузатилган мақсад инсон ва жамият эҳтиёжларини ҳар томонлама кондиришдир. Мавлоно Алишер Навоийга кўра, илмни эгаллаб, унинг натижасидан баҳраманд бўлмаслик усти ёпик каналлар қазиб, экин майдонига уруг экмаслик ёхуд уруг экиб, ҳосил олмасликка ўхшайди.

Мухтасар қилиб айтганда, илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиёда шаклланган табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур намуналарининг тарихий тақдири доимо ҳам бир хил мавқега эга бўлмаганини кўриш мумкин. Бу аслида табиий ҳол, чунки ҳар бир даврнинг ўз мақсади, орзу-ҳаваси, дард-армони, кўпчиликни безовта қиласидиган муаммолари тафаккур саҳнасидан ўрин эгаллайди. Акс ҳолда ҳар қандай, ҳатто бир қараща ӯта мухим ва долзарб бўлиб кўрининган муаммолар ҳам ҳеч кимсани ўзига жалб кила олмайди. Буни илк ўрта асрлар даврида Ўрта Осиё ҳудудида шаклланган табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тақдирида яққол кўриш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: милий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. – Т.: «Ўзбекистон», 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1997.
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 2-том. –Т.: «Ўзбекистон», 2003.
4. Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-том. –Т.: «Фан», 1981
5. Абу Али ибн Сино. Туғилган кунининг 1000 йиллигига. –Т.: «Фан», 1980
6. Абу Али ибн Сина и естественные науки. –Т.: «Фан», 1980
7. Абу Наср Фараби. Философские трактаты. –Алма-Ата: «Наука», 1970.
8. Абу Райхон Беруний. Қадимги ҳалклардан қолган ёдгорликлар //Танланган асарлар. 1-том. –Т.: «Фан», 1968.
9. Абу Райхан Беруни. Определение границ мест для уточнения расстояний между населенными пунктами /Геодезия). Избранные произведения. 3-том. – Т.: «Фан», 1966.
10. Абу-р-Рейхан Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минералогия). –Т. –Л., 1963.
11. Аликулов Х. Взаимовлияние и развитие общественно-политической мысли и утопические идеи в Средней Азии и Иране в XIV-XV вв. //Социально-утопические идеи в Средней Азии. – Т.: «Фан», 1983.
12. Беруний: Туғилган кунининг 1000 йиллигига бағишланган тўплам. –Т.: «Фан», 1973.
13. Грюнебаум Г.Э. Основные черты арабо-мусульманской культуры: Статьи разных лет. –М.: «Наука», 1981.
14. Ибн Сина. Трактаты о разделении (классификации) существующих вещей /Рисалатун фи таксим ул-мавжудот// Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. – Т.: «Фан», 1976.
15. Ибн Сина. Даниш-намэ. – Сталинабад, 1957.
16. Ибн Сино ва «Тадбир-э манзил». –Техрон, 1318 хуршидий (форс тилида).
17. Ибн Сина и средневековая философия /Отв.ред.Г.А.Ашурев. – Душанбе: «Дониш», 1981.
18. Из истории науки эпохи Улугбека. –Т.: Фан, 1979.
19. Кабулов К.К., Файзуллаев А.Ф. Ал-Хорезми, алгоритмы и развитие кибернетики //Труды XIII Международного конгресса по истории науки. –М.: «Наука», 1974.
20. Леммлейн Г.Г. Минералогические сведения, сообщаемые в трактате Бируни //Абу-р-Рейхан. Собрание сведений для познания драгоценностей /Минералогия/. – М.Л., 1963.
21. Логико-гносеологические идеи мыслителей Средней Азии /Отв.ред.академик М.М.Хайруллаев. –Т.: «Фан», 1981.

22. Мухаммад ал-Хорезми. Астрономические трактаты /Отв.ред.С.Х.Сиражидинов и др. –Т.: «Фан», 1983.
23. Муминов И.А. Избранные произведения Т-1. –Т.: «Узбекистан», 1976.
24. Меъёр ал-акл. Таснифи шайх ур-ра'ис Абу Али Сино. –Техрон, 1331 х. (форс тилида).
25. Мансур А. Имом Альзам – буюк имомимиз. –Т.: 1999.
26. Носиров Р.Н. «Ўрта Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий фикри тарихи» бўйича маҳсус курс. –Т.: ТАҚИ, 1992.
27. Насыров Р.Н. К проблеме единства знания и нравственности по произведению Ибн Сины «Тадбири манзил» //Общественные науки в Узбекистане. 1991. №8.
28. Оина-йэ гитинома. Сайид Шариф ал-Журжоний //ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинаси. Инв. № 2984 (форс тилида).
29. Сагадеев А.В. Ибн-Рушд. –М.: «Мысль», 1973.
30. Сайид Мухаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан /Форсчадан Н.Комил таржимаси. –Т.: 2003.
31. Уватов У. Мұхаддислар имоми. –Т.: 1998.
32. Уватов У. Мұслим ибн ал-Хажжож. –Т.: 1995.
33. Файзулаев О. Табиятдаги баъзи ҳодисалар ҳакида фалсафий сұхбатлар. –Т.: Ўзфанакадемнашр, 1961.
34. Фараби. Существо вопросов //Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. –Т.: «Фан», 1976.
35. Фан-э само-йэ таби'ий аз «Китоби шифо» аз таснифоти шараф ул-мулк шайх ур-ра'ис Абу Али Ҳусайн б.Абдаллоҳ б.Сино. –Техрон, 1316 х.ш. (форс тилида).
36. Хайруллаев М.М. Фараби. Эпоха и учение /Отв.ред.И.М.Муминов. –Т.: «Узбекистан», 1975.
37. Шайх ра'ис Абу Али Сино. Қуроза-йэ таби'ат. – Техрон, 1332 х.ш. – 1373. х.қ. (форс тилида).
38. Ҳусниддинов З. Ислом: йўналишлар, мазхаблар, оқимлар. –Т.: 2000.
39. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Т.: 2000.
40. Dieterici F. Die Philosophische der Araber im 9. und 10. Jahrhundert. 4 Buch. – Leipzig, 1968.
41. Leaman Oliver. An introduction to medieval Islamic philosophy. Cambridge University Press. 1984.
42. Seyyed Hossein Nasr. The Islamic intellectual tradition in Persia. Gurson Press, 1996.
43. Smith M. Studies in Early mysticism in the Near and Middle East. – London, 1931.
44. Ulken H.Z. Avicenna und arabische Linke. – Berlin, 1952.
45. Fakhry M. A history of Islamic Philosophy. Columbia University Press, 1984.

~~МУНДАРИЖА~~

СҮЗБОШИ.	3
I-КИСМ. ИСЛОМ ВА ИЛОХИЁТ	
1.1. Ислом фалсафасига кириш.....	5
1.2. Калом фалсафаси.....	9
1.3. Ашъария ва мотуридия.....	18
1.4. Мотуридий таълимоти.....	20
ХУЛОСА.....	34
II-КИСМ. ЎРТА ОСИЁДА ТАБИИЙ-ИЛМИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАЛСАФИЙ ТАФАККУР ТАРАҚҚИЁТИ	
2.1. Табиий-илмий гоялар ва уларнинг эвристик аҳамияти.....	35
2.2. Перипатетик фалсафа ва унинг Ўрта Осиё матьавий ҳәётига таъсири...40	
2.3. Илк ўрта асрлар табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккури хамда унинг тарихий тақдирни (хотима ўрнида).....	54
АДАБИЁТЛАР.....	57

**ҮРТА ОСИЁЛИК АЛЛОМАЛАРНИНГ ФАЛСАФИЙ
ҚАРАШЛАРИ**
*(Илк ўрта асрлар даври.
Ўқув қўлланма)*

Фалсафий нашр

**Р.Н.Носиров, Ш.С.Сирохиддинов,
Х.А.Зияутдинова**

Мухаррир: **Н. Бекмуродов**

Мусаххих: **М. Сайдуллаева**

Компьютерда саҳифаловчи:
Ж.Аликулов

*Ушбу қўлланма ЎзР ФА И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқук институти
нашиёти бўлимида тайёрланди*

Босишга 07.03.2007 да руҳсат этилди

Шартли босма табоги – 3,75

Бичими 84/108

Буюртма раками – 45

Адади – 100 нусха

Баҳоси келишилган нарҳда

*Фалсафа ва ҳуқук институти ризографида чоп этилди.
Манзил: 700170, Тошкент шаҳар, И.Мўминов кўчаси, 9-уй*

